Kuch – bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1999 йил 9 январь, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 2 (7096)

**Da'vat**

Нимадир қилиш учун унчалик кўп куч ҳам керак эмас, аммо айни нима қилиш кераклигини ҳал этиш эса ҳақиқатан ҳам катта куч талаб этади.

Кин ХАББАРД

**Ibrat**

**Урганч туманидаги «Бегават» жамоа хўжалиги ўз ҳудудида жойлашган Феруз номидаги мактабнинг 145 нафар 1-5 синф ўқувчиларини хўжалик ҳисобидан бепул овқатлантирмоқда.**

Jarayon

## XXI АСРНИНГ АКАДЕМИК ЛИЦЕЙИ



Сўнгги йилларда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида, қолаверса, ёшлар дунёқарашида тубдан янгиланиш жараёни кечаяпти. Тафаккурли ёшлар қатлами вужудга келаётгани ҳамда ана шу эътиқодий кучни бирлаштиришга, уни сиёсий кучга айлантиришга эҳтиёж туғилаётганлиги боис республикамиз раҳбарияти таълим соҳасига эътиборни янада кучайтирди. Зеро Президентимиз И.А.Каримовнинг «Таълим ислоҳоти бизни демократик ўзгаришлар, янги жамият барпо этиш йўлидан дадил етакловчи, барчамизни ҳаракатлантирувчи, ички куч бўлмоғи зарур. Ҳар биримизга беш бармоқдай аён бўлсинки, таълим ва тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб, одамлар онгини, демакки, уларнинг турмуш тарзини тубдан ўзгартириш мумкин эмас» деб айтган сўзлари фикримиз далилидир.

Айтиш мумкинки, 1998 йилда республикамизда 21 та академик-лицей ҳамда 14 та касб-ҳунар коллежлари тажриба синови сифатида иш бошлади. Бу йил эса 117 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини ишга тушириш мўлжалланмоқда. Шундан 8 тасини шахсан Президентимизнинг таклифлари билан бутунлай янгича замон талаблари асосида қуриш вазифа қилиб қўйилди. Бунинг учун эса, 34 миллиард сўм маблағ ажратилди ҳам. Маълумки,бу кўрсаткич 2005 йилгача 100 миллиардга етиши ва бу борадаги тўлақонли мақсадларни амалга ошириши зарур.

Бугун ана шу мақсадларда қилинаётган ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 23 сентябрда чиққан «1999-2005 йилларда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда маблағ билан таъминлаш дастури тўғрисида»ги қарорига мувофиқ бир нечта лойиҳа институтларининг иштирокида янги лицей ва коллеж биноларининг республикамиз иқлим шароитига мос моделлари – лойиҳалари 6 та йўналиш бўйича ишлаб чиқилди ва уларнинг кўпчилиги билан шахсан Президентимизнинг ўзлари танишдилар.

Тошкент Давлат архитектура қурилиш институтининг профессори Ҳамза Убайдуллаев бошлиқ бир гуруҳ меъморлар яратган янги академик-лицей макети ва лойиҳаси ҳам республикамиз иқлим шароитига мослиги ҳамда жаҳон стандартлари даражасида тузилганлиги эътироф этилди.

Лойиҳа 600 ўринга мўлжалланган бўлиб, икки қисмдан, тўрт қаватли бинодан иборат бу тарх бўйича республикамизнинг турли вилоятларида ер қимирлаш ҳолатини инобатга олган ҳолда академик лицейлар биноси сифатида қуриш мумкин.

Унинг биринчи қисми асосан ўқув хоналари, компьютерлаштирилган заллар, амалиёт хоналари билан бир-бирига туташган. Айлана йўлаклар ўртасида ички ҳовли ҳам жойлашган. Бу ҳовлининг аҳамиятли томони шундаки, ўқувчилар 5 минутлик танаффус пайтларида ана шу ички ҳовлида дам олишлари мумкин. Айни пайтда бу ҳовли ўзига хос қулайликларга эга бўлиши ҳам назарда тутилган.

Яна шуниси эътиборлики, ўқув хоналарининг қарийб 8 таси компьютерлаштирилган бўлиши керак. Иккинчи қисмда эса, 300 ўринли замонавий ошхона, 216 ўринли кутубхона ва унинг ўқув зали шунингдек, дам олиш хоналари ва 200 ўринли кино томоша зали ҳам ўрин олган.

Қишки спорт мажмуаси ҳам шу бинога туташган бўлиб, кийим алмаштириш ва ҳамда ювиниш хоналари замонавий услубда тархланган.

Бинонинг ташқи кўринишига шарқона безаклар беришга алоҳида аҳамият берилган. Бироқ, ойна ва дераза роҳларига Оврупа усулида шакл берилгани шарқ ва ғарб меъморчилик санъатининг уйғунлаштириб юборилганидан далолатдир. Бундан ташқари, кўзда тутилган беш гектарлик майдон ичида 200 ўринли ётоқхона, стадион, баскетбол, волейбол ҳамда теннис ўйингоҳларининг бўлиши бош лойиҳа тархида алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Бир сўз билан айтганда, яхши ният билан бошланган бу хайрли иш тезроқ амалга ошиб охирига етса, Ўзбекистонимиз ёшларига энг муносиб туҳфа ҳамда уларнинг энг муаззам жойларидан бири бўлиб қоларди.

**Саййид ОЛИМ,**
**«Маърифат» мухбири**

**Суратда академик лицей биносининг макети акс этган.**

## JUMLADA JAHON

**• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Тожикистон Республикаси Бош вазири Яҳё Азимов бошчилигидаги делегацияни қабул қилиб, амалдаги йилда икки мамлакат ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик муносабатлари йўналишларини ва бу билан боғлиқ бўлган шарт-шароитларни белгилаб олиш мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидлади.**

**• Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлисида сайловларни ташкил этиш, сайловчилар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларга қулай шарт-шароитлар яратиш билан боғлиқ бир талай масалалар муҳокама этилди.**

**• «Ўзбекистон Республикаси Марказий Сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ, Президент Ислом Каримов тақдимномасига биноан, мазкур комиссия аъзоси, Давлат ва жамият қурилиши академиясининг проректори, профессор Нажмиддин Комилов Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси этиб сайланди.**

**• Покистон халқаро аэропортларининг тегишли хизмат маҳкамаларига берилган мамлакатдан чиқиб кетиши тақиқланган 1738 кишидан иборат рўйхат ичида Парламентнинг ҳар икки палатаси ҳамда тегишли қуйи ташкилотларининг 56 аъзоси ҳам бор.**

**• Англия ва Американинг Яқин Шарқ ҳамда Форс кўрфазига ўрнашувига қарши Теҳронда ўтказилган оммавий чиқишлар чоғида мамлакат Президенти М.Ҳотамий АҚШ, Буюк Британия, Исроил томонидан шу минтақада олиб борилаётган «бўлиб ол ва ҳукмдорлик қил» қабилидаги сиёсатга қарши чиқаётганлигини баён этди.**

КЎЗГУДА ТОШКЕНТ ШАҲРИ

2-БЕТ

Anjuman

## ХОЛИС МУНОСАБАТ ЗАРУР

*Ўтмиш ҳам қачонлардир «бугун» бўлган. Бугунимиз ҳам йиллар, асрлар оша тарихга айланажак. Ўзбекистоннинг янги тарихи қачон вужудга келади? Тарихни эса холисанлилло ўрганмоқ керак.*

*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида бўлиб ўтган икки кунлик илмий-назарий анжуман руҳини юқоридаги шиор белгилади. Анжуман «Ўзбекистоннинг янги тарихи. Концептуал- методологик муаммолар» мавзусига бағишланган бўлиб, тарихчи олимлар, тадқиқотчилар диққат-эътиборини юртимизнинг янги тарихини яратиш масаласига қаратди.*

*Академия ректори, юридик фанлари доктори, профессор А.Азизхўжаев анжуманни очар экан, жумладан шундай деди:*

*— Юртимиз бой тарихга эга. Лекин тарихчи олимларимиз сукутда. Тарихни ўрганишда бир ёқламалик мавжуд. 70 фоиз номзодлик, докторлик диссертациялари «КПСС ва унинг шонли анъаналари»га бағишлангани ҳам рост. Хўш, бугун аҳвол қандай?*

*Дарҳақиқат, қадим Турон замини, хусусан, ўзбеклар макон тутган Ўзбекистон ўтмишининг очилмаган «қўриқ»лари қанча? Ибтидоий жамоа тузуми... Кулдорлик ҳукм сурган кезлар... Жадидчилик ҳаракати... Шўролар даври... Уруш йиллари. Анжуманнинг биринчи кунида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Н.Жўраев, тарих фанлари доктори, профессор Ҳ.Зиёев, тарихчи олима Д.Алимова ва бошқаларнинг маърузалари таҳлилий жиҳатдан пухталиги билан тингловчиларни бефарқ қолдирмади.*

*Илмий-назарий анжуман 5 та шўъбани бирлаштирган ҳолда иш кўрди: «Ўзбекистоннинг янги тарихини ўрганишнинг методологик, манбашунослик ва тарихшунослик масалалари», « Туркистон чор Россияси мустамлакаси даврида», «Ўзбекистон шўролар истибдоди даврида», «Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлида», « Таълим тизимида Ўзбекистон тарихини ўқитишнинг ўқув-услубий масалалари».*

*Масала аниқ, тарихнинг олис қатламларини «кўтариш»дан чўчимаслик ва бунда холис муносабат зарур.*

**МУХБИРИМИЗ**

ЭРТАК, РИВОЯТЛАР МИЛЛИЙ РУҲИЯТ ХАЗИНАСИ, ҲУСН-АХЛОҚ ҚОМУСИ

5-БЕТ

ТАРИХ ФАНИДАН ТАВСИЯЛАР

3-,4-БЕТЛАР

«...КИШЛАРИДА ШИВИРЛАР БАҲОР»

6-БЕТ

## Ўқитувчи ён дафтарига

### ИНСОН МИЯСИ ВА ЧУМОЛИ

**Даниялик олим Ханс Детмер чумоли танасида учрайдиган кимёвий модда инсон миясига ижобий таъсир кўрсатишини аниқлади. Бироқ, чумоли танасидаги бу камёб моддаларни кўп миқдорда ажратиб олишнинг иложи бўлмади. Бунинг бирдан-бир иложи эса, доктор Детмер таъкидлаганидек, чумолини бутунига танаввул этмоқдир.**

### СЕРМАҲСУЛ ИЖОД

**Дунё бўйича энг сермаҳсул ижод қилган ёзувчининг кимлигини биласизми? Маълум бўлишича, бу борада 91 йил умр кўрган инглиз адибаси Урус Билюмга етадиган киши йўқ. Адиба ҳаёти давомида 560 та роман ёзиб, эълон қилган.**

### ТАЖРИБАДАГИ МАЙМУНЛАР

**Бир гуруҳ ғарб олимлари «маймунлар ўз нафасини назорат қила билмасликлари туфайли гапира олмайдилар» деган тахминни илгари сурмоқдалар. Уларнинг фикрича, агар маймун бу назоратга ўргатилса, гапириши мумкин. Дарвоқе, олимлар тажриба ўтказишган шимпанзе ҳозиргача икки яшар бола каби гапирмоқда экан.**

### ҚАЕРДА УЗОҚ ЯШАШ МУМКИН?

**Мутахассисларнинг таъкидлашларича, иссиқ ўлкаларга нисбатан совуқ ўлкаларда яшовчи инсонлар узоқ умр кўрадилар. Шунингдек, баландликда истиқомат қилувчи одамлар ҳам пастликда яшайдиганларга қараганда кўпроқ яшайдилар. Бир сўз билан айтганда, нами ўртача ҳаво инсон умри учун кони фойда экан.**

Qaror va ijro

## МАТН – МУКАММАЛЛИК МАНБАИ

Мустақил Ватанимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрўси ортиб бораётган бир вақтда миллий қадриятларимизга, тилимизга эътибор тобора кучаймоқда. Айниқса бу жараён маънавий-маърифий ишлар соҳасида яққолроқ кўринаётир. Жумладан, Ўзбекистоннинг жаҳон маданияти ва коммуникация тизимига киришини жадаллаштириш учун лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига ўтиш қонунлаштирилди. Қонунга биноан Вазирлар Маҳкамаси «Ўзбек тилининг асосий имло қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» қарор қабул қилди. Қарорда Республикадаги вазирликлар, идоралар, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари, оммавий ахборот воситалари барча турдаги ёзишмаларни лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида амалга ошириши белгиланган.

Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини умумтаълим мактабларида ўқитиш 1996 йил сентябрь ойидан бошланди. Ҳозир ўқув юртларида янги алифбони ўрганиш учун ўқув-услубий адабиётлар қисман мавжуд, лекин қўлланмалар сонини соҳалар бўйича кўпайтириш зарур. Ўқув юртларининг касбий ихтисослигига мос янги алифбо бўйича қизиқарли матнлар асосида ўқув адабиётлари яратилса, ижобий натижаларга олиб келади.

Тиббий ўқув юртларида «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси» машғулотларида ўқувчилар диққатини тил ва алифбо тарихига, ҳарф ва ҳарфий бирикмалар имлоси ҳамда ҳар бир ҳарфга доир матнларга қаратишга эътибор бераяпмиз.

Ҳар бир мақсадли таълимнинг асосий вазифаси дарс мавзуларини талабаларга сингдиришнинг самарали усулларидан фойдаланиб, босқичма-босқич амалга оширишни тақозо этади. Янги ёзув асосида ўқишни, ёзишни ўзлаштиришга, фикр ва муносабатларни ёзма нутқ орқали ифодалашга, минтақамизда ўсадиган доривор ўсимлик ва мевалар ҳақида маълумот матнларини ўқиш кўникмаларини эгаллашга алоҳида аҳамият қаратилаётир.

Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси ўқув машғулотларида ҳарфларнинг вазифаси ва ёзилиши хусусиятлари, унли ва ундош товушларнинг ёзувда ифодаланиши, асос ва қўшимчалар имлоси, бўғин кўчириш қоидалари, икки ҳарф билан ифодаланувчи товушларнинг ифодаси ва имлоси, жуфт, такрор сўзларнинг ёзилиши, қўш ва кетма-кет келган унли, ундошларнинг талаффузи ҳамда ёзилиши, тутуқ белгисини қўллаш масалалари кенг ёритилади.

**(Давоми 2-бетда)**

Olimpiada – 99

## СИНОВ ОРТИДАГИ ЎЙЛАР

Қишки таътил юқори синф ўқувчилари учун синовлар даври бўлди. Туман олимпиадаси ғолиблари барча фанлар бўйича шаҳар олимпиадаларида қатнашиб, ўз билимларини ақлли машиналар – компьютерлар орқали, «таниш-билиш»ларсиз холис баҳолаб олдилар.

Тошкент авиация коллежида бўлиб ўтган Тошкент шаҳар «Ёш адабиётчилар» олимпиадаси қатнашчилари эса нафақат тест саволлари, балки II тур – ижодий иншо – рамзий матн яратиш бўйича ҳам беллашдилар.

Иккала тур топшириқларидан юқори балл тўплаган Алишер Навоий номидаги нафис санъат лицейи ўқувчиси Муқаддас Эралиева, Акмал Икромов туманидаги 4-мактаб ўқувчиси Гулбаҳор Тоҳирова, Шайхонтоҳур туманидаги 132-мактаб ўқувчиси Гулноза Обидовалар I ўринни қўлга киритдилар. Шунингдек, Д. Ортиқова (179-мактаб), Ш. Носирова (ижтимоий йўналишдаги гимназия), З. Абдуллаевлар (273-мактаб) ҳам ўзларининг чуқур билимга эга эканликларини кўрсатдилар.

Кўпгина ўқитувчиларнинг фикрига кўра, олимпиада топшириқлари қаторига иншонинг киритилгани қувонарли, анъанага айлантиришга арзийдиган ҳол деб баҳоланди. Негаки, сўнгги вақтларда ўқувчиларнинг ёзма нутқига, ижодкорлигига эътибор бирмунча камайгандек эди. Бўлғуси филологларда нутқ маданиятига алоҳида эътибор лозим. Уларнинг гўзал ва ширали овозларини, мустақил фикрлай олишларини эшитмай, тест бўйича баҳолаш бирёқлама бўлиб қолаётган эди.

Шу сабабданми, 72 та ижодий ишдан юракни жиз эттирувчилари саноқли бўлди. Саноқли бўлса-да борлигига қувондик.

Олимпиада қатнашчиси Наргиза Азимова «Нафис чайқалади бир туп наъматак» мавзусида кўнглидан ўтган ҳисларни шундай қоғозга туширадики, «шамолнинг беланчагида тебранаётган» наъматак кўз олдингизда гавдаланади:

*Наъматак. Кўнглимнинг сирдоши, меҳрим булоғи, қалбим ардоғи, аёллик ёҳуд нафосат чеҳрасининг ҳаё пардаси... Сени неларга этгумдур қиёс?! Қоя тошлар бағрида тиканли тажанг ва атаб бўлмас тусдаги нозик гулларинг ажиб бир фалсафа туғдиради. Балки сендан капалак ўз қанотига андоза олгандир? Сенинг тиканли бағринг кимларнинг кўксини тиғлар экан? Ёҳуд бу тиканлар одамзоднинг баъзида шайтоннинг қадаҳидан май ичиб, дили, қалби, вужуди қора бўлган, юмилиб қолган кўз учун аталган тиканмикан? Сенинг тонгда сабо билан шўхлик қилишинг ҳавасимни келтиради. Чиндан-да, кўнглимни сенинг нозик гулларинг аста елпигандек бўлади.*

Наргизанинг табиат ва унинг мўъжизаларига шоирона кўз билан назар ташлай олиши, гўзал ташбеҳлари, теран фикрлари ижодкор ёшлар сафи кенгайиб бораётганига бир далилдир.

Гулбаҳор Тоҳированинг «Навоийни ахтарар қалбим» мавзусидаги иншоси эса шоирга эҳтиром ҳислари билан тўлиқ:

*Навоийнинг давлат арбоби, шоир, олим, адабиётшунос, маданият ва маърифат ҳомийси эканлигини инкор этиб бўлмайди. Қўлимдан келса мен Навоийнинг ҳар бир соҳадаги улкан ишлари учун алоҳида-алоҳида ҳайкал қўйган бўлардим. Ахир, Навоийдек инсонлар ҳар йили туғилмайди-ку!*

Шайхонтоҳур туманидаги ТЭАИ қошидаги телекоммуникация лицей-интернати ўқувчиси Аброр Соатов «Юрак, сенсан менинг созим» мавзусидаги иншосида Ватан учун, эзгу ишлар учун яшашга даъват этаётган юрак нидосини ифодалайди:

*Юрагим куйини сўз билан баён эта олмайман. Жажжигина юрагимнинг куйини тинглар эканман, ҳеч ким тасаввур эта олмайдиган ҳис чўлғайди мени. Ажиб ҳислар оғушида хаёлимдан фақат бир фикр қайта-қайта ўтаверади: «Юрагим токи уриб турар экан, мен фақат эзгу ишлар учун яшайман, холос».*

Дилафрўз Муҳаммадиева ҳам аёл ҳақида тўлқинланиб ёзади:

*Нечун сени олам қуёши, келажак йўлини ёритувчи моҳтоб, умид юлдузи деб атадик? Сабаб, сенинг юзларингда кишига умид учқунларини сочувчи нур, қалбингда меҳр, муҳаббат оламининг порлоқ юлдузи бор.*

*Аёл... Сенинг бошингга биринчи бўлиб бахт қуши қўнди.*

*Сенинг юрган йўлларингдан чаманзорлар пайдо бўлди. Тунлари ухламай, денгиз париси ўз балиқчаларини аллалагандек, алла айтиб чиқасан, фарзандинг учун минг ўлиб, минг тириласан.*

*Агар унинг бирор жойи оғриб қолса, ўзингни қўярга жой тополмайсан. Уйқусизликдан қизарган кўзларинг билан кимдандир нажот истайсан. Шунда тонг сабоси майин қўллари билан киприкларингни оҳиста силаб, гул япроғидаги титраб турган шабнаммисол кўз ёшларингни қоқиб қўяди.*

*Сен кўзларингда ёш билан ҳам латофатлисан.*

*Моҳим, сенга ҳусн бағишлаб турган бу ёшлар севинч ёшлари бўлсин!*

*Янги йилнинг олтин тахти сенга бағишланди, сен бу тахтнинг одил маликасисан, аёл...*

Бундай иншолар баҳру дилингизни очади, қалбингизни ғурур ва завққа ошно этади.

Олимпиададан сўнг шундай фикрга келдик: ёзма иш турлари, айниқса, ижодий иншо, матн яратиш ишларига кўпроқ эътибор лозим экан.

**Маҳмуда ВАЛИЕВА,**
**жамоатчи мухбиримиз**

## MMM XABARLARI

### AYOL ULUG‘ ZOT

Andijon shahridagi 24-maktabda «Ayol ulug‘ zot» deb atalgan adabiy kecha o‘tkazildi. O‘zbek tili o‘qituvchisi Shahloxon Toshmatova «Qizlarimiz kelajak avlod davomchilari» mavzusida ma’ruza qildi. Kecha so‘ngida o‘quvchilar «Qaytar dunyo» nomli sahna ko‘rinishini namoyish etdilar. Tadbir mazmun- mohiyatiga ko‘ra Ayolga munosabat va uni anglashga bag‘ishlandi.

**Sh. KELDIYEV**

### SAHNADA «VA NIHOYAT»

O‘tgan hafta Toshkent Davlat Universitetining madaniyat saroyida respublika bo‘yicha o‘tkazilgan «Quvnoqlar va zukkolar» ko‘rik tanlovi g‘olibi «Shovvozlar» teatr studiyasining «Va nihoyat» deb nomlangan bayram konserti bo‘lib o‘tdi. Konsertda besh yil oldin «Shovvozlar» teatr studiyasiga taklif etilgan talabalar eng so‘nggi konsertini va bo‘lajak «Shovvozlar» teatr - studiyasi talabalariga ramziy estafetasini hadya etishdi. Konsert universitet talabalariga yangi yilda katta zavq baxsh etdi.

**Botir DO‘LANOV**

### KUTUBXONA VA KITOBXON

Navoiy shahridagi 8-maktabda «Ajdodlarimiz me‘rosi va uni targ‘ib qilishda kutubxonalarning roli» mavzuida ilmiy-amaliy seminar o‘tkazildi.

Seminarga shahar,tuman XTBlarining uslubchilari va maktab kutubxonachilari taklif etildi.Seminarda Navoiy viloyati XTXMOIning tavsiyasiga ko‘ra, 8-maktab kutubxona mudirasi Gulnora Ummatovaning ishlarini ommalashtirishga qaror qilindi.

**Gulnora MUSAYEVA**

XABARLARI MMM

## СИЗ БАНКИР БЎЛМОҚЧИМИСИЗ?

Бунинг учун нима қилиш керак? Албатта сабоқ ва тажриба мақсад сари тўғри йўлдир. Аммо ўша сабоқни аввало қаердан бошламоқ керак? Кўпчилик « олий ўқув юртидан-да», - дейиши табиий. Аслида эса...

Куни кеча пойтахтимизда бўлиб ўтган республика миқёсидаги семинар ушбу масалага ойдинлик киритди. Ўзбекистон банклари уюшмаси, «Таълим тараққиёти» банклараро ўқув-услубий маркази ва Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу амалий семинарда барча вилоятлардаги махсус синфлар муаллимлари иштирок этдилар. Семинарнинг илк куни Ўзбекистон банклари уюшмаси раиси К.Жумабеков ўз сўзида семинарнинг мақсад ва вазифалари, муаммо ва камчиликлар ҳақида батафсил айтиб ўтди. Айниқса, Иқтисодиёт университети банк кафедраси мудири сўз охирида ўзи ёзган банк соҳасидаги қўлланмани муаллимларга тавсия қилиб, «Таълим-тараққиёти» банклараро ўқув-услубий маркази директори Ў.Гадойбоевга бир нусха тақдим этди. Бундан ташқари уюшма раиси ўринбосари Д.Расулов, «Таълим-тараққиёти» банклараро ўқув-услубий маркази директори Ў.Гадойбоевлар ҳам ўз фикрлари билан ўртоқлашишди. Семинар кейинги кунларда ўз ишини Мирзо Улуғбек туманидаги 50- мактаб биносида олиб борди.

**Х.АБДУРАҲМОНОВ**

## МАТН – МУКАММАЛЛИК МАНБАИ

**(Боши 1-бетда)**

Ўзбек имло қоидаларининг асослари ва фонетикага бағишланган машғулотларда ҳарфларнинг босма ва ёзма шакллари ўзлаштирилиб, уларни дафтарга кўчириш, ўзаро солиштириб таққослаш ва ёдлаш машқлари бажарилади. Ёзишни ўрганувчилар сўз ва сўз бирикмалари, тайёр матнларни дарсда ёзув тахтасидан, тарқатма материаллар, ўқув адабиётлари ёки бошқа манбалардан кўчириб ёзишдан бошласалар мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда улар ҳарф-товушларнинг янги алифбодаги кўринишларини кирилл ёзувидаги шакллар билан қиёслаб ўрганадилар. Шунингдек, ёзувда тиниш белгиларининг қўлланилишига алоҳида диққат-эътиборни қаратиш керак.

Ўқув машғулотлари пайтида талабаларни китоб, ўқув қўлланма ва бошқа манбалардан кўчириб ёзишга ўргатиш, йўл қўйилган хато-камчиликларни топиш ва тузатиш, машқларни бажаришга бошқаларни ҳам жалб этиш ёзма нутқни ўстиришда яхши самаралар беришини алоҳида ҳисобга олиш керак. Ўқитишнинг дастлабки даврида ҳарф-товуш борасидаги фарқларга алоҳида эътибор бериш ва талабаларга махсус танланган матнлар, ихтисосликка доир сўз ва тиббий атамалар асосида тузилган ўзбек-лотин ёзувидаги матнлар, газета ва журнал саҳифаларидан парчалар ўқитилади.

Ўқиш учун танланган матнлар ихтисосликка доир бўлиши билан бирга, талабаларни маънавий ва маърифий тарбиялашга ҳам хизмат қилиши керак. Матнлар билан боғлиқ турли машқлар талабалар сўз бойлигини шакллантириш, хатосиз ёзиш ва тўғри ўқиш малакасини эгаллашдан ташқари, уларнинг маънавий-ахлоқий дунёқарашини бойитишга хизмат қилади.

**Муҳиддин БОЛИЕВ,**
**Самарқанд тиббиёт коллежининг олий тоифали ўқитувчиси, Ўзбекистон халқ таълими аълочиси**

## ТЕНДЕР САБОҒИ

Бугун ҳаётимизда биржа, тадбиркорлик, инвестиция, маркетинг, лизинг операциялари каби иқтисодий терминлар тобора кўпроқ истеъмол қилиняпти. Зеро, бу ҳолни бозор муносабатлари барқарор ривожланаётган мамлакатимизнинг ҳозирги шароитида табиий қабул қилиш мумкин.

Куни кеча Халқ таълими вазирлигида кам таъминланган ўқувчиларга кийим-бош, пойафзал ва биринчи синф ўқувчиларига 12 турдаги ўқув қуролларини сотиб олиш бўйича тендер танлови ўтказилди. Дарвоқе, аввало тендер сўзининг маъноси нима? Тендер инглизча «Tend» - «хизмат кўрсатмоқ» сўзидан олинган бўлиб, савдо-сотиқни уюштирувчилар томонидан бўлғуси савдо иштирокчиларига тарқатиладиган ва муайян товарларни келтириш ёки муайян хизматларни бажариш таклифи ёзилган иш қоғози ҳисобланади. Тендерни «Инжиниринг» фирмаси ҳужжатлаштиради. Савдолашув ёки келишув асосида конкурс иштирокчиларидан бири ёки бир нечтаси танлаб олинади. Ғолиб танлов иштирокчиси билан харидор ва буюртмачи ўртасида шартнома тузилади.

Вазирлик 1997 йилдан буён ҳар йили тендер ўтказиб келмоқда. Шуниси қувонарлики, танлов иштирокчиларининг сони йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Аввалги йили тендерда бор йўғи 12-13 та фирма қатнашган бўлса, бу йили жами 90 дан зиёд фабрика, хусусий, қўшма корхоналар ва фирмалардан вакиллар иштирок этишди. Тендерда айниқса, «Амероз индустриес» Ўзбек-Америка, «Кибо», «Гуден» Ўзбек-Герман, «Орзу», «Кичкинтой», «Нақшбандий», «Шарқ таълими», «Қизил тонг» каби фирма ва корхоналар фаол иштирок этишди.

Биз танлов ғолибларидан бири, Андижон пойафзал ишлаб чиқариш фабрикаси лаборатория бўлими бошлиғи Муҳаммаджон Абдураҳмонов билан тендер жараёни хусусида суҳбатлашдик.

**-Фабрикамиз маҳсулотлари мана уч йилдирки бошқарув раиси Муҳаммаджон Собиров ҳаракатлари билан тендерда намойиш этилиб, ғолибликка сазовор бўлмоқда, — дейди М.Абдураҳмонов. – Тендер комиссияси танловда қўйилган маҳсулотларнинг сифати, чидамлилиги, кўриниши ва нархига адолатли ёндашаётганлиги кишини хурсанд қилади.**

Дарҳақиқат, бу йилги тендер аввалги йиллардагидан уюшқоқлиги билан ажралиб турди. Аммо, бизни бошқа бир нарса ўйлантиради. Танловда намойиш этилган аксарият маҳсулотларда миллий руҳ етишмайди (Бу ҳақида танловда ҳам эътироф этилди). Келажакда ишбилармон ва тадбиркорлар халқимизнинг миллий хусусиятларидан келиб чиқиб, болаларнинг қизиқиш ва эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда ўз маҳсулотларининг янги моделларини яратишса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

**Норали ОЧИЛОВ**

DTM tahlili

# КЎЗГУДА ТОШКЕНТ ШАҲРИ

*1998 йил Ўзбекистон Республикасининг Олий ва ўрта махсус ўқув юртларига талабаларни қабул қилиш учун ўтказилган тест натижалари бўйича Тошкент шаҳри бирмунча юқори кўрсаткичга эришди. Шаҳар абитуриентларининг имтиҳондаги жавоблар самарадорлиги барча фанлар бўйича республика ўртача самарадорлик кўрсаткичидан юқори бўлди. Тошкент шаҳридан тест синовларида қатнашган абитуриентларнинг жавоблар самарадорлигини Республиканинг ўртача самарадорлик кўрсатгичлари билан таққослаш қуйидаги натижаларни берди:*

| Фанлар | Самарадорлик кўрсаткичи, % | Республика бўйича ўртача самарадорлиги, % | Республикадаги ўрни |
|---|---|---|---|
| Ўзбек тили ва адабиёти | 43.99 | 40.87 | 3 |
| Математика | 47.91 | 36.13 | 1 |
| Физика | 36.44 | 32.06 | 2 |
| Биология | 52.39 | 46.80 | 2 |
| Кимё | 41.32 | 38.26 | 3 |
| Тарих | 52.91 | 50.86 | 5 |
| География | 43.33 | 41.95 | 5 |
| Инглиз тили | 53.86 | 41.44 | 1 |
| Немис тили | 29.71 | 27.16 | 3 |
| Француз тили | 36.65 | 30.48 | 2 |

*Тошкент шаҳри жавоблар самарадорлиги бўйича республикада Бухоро вилоятидан кейин иккинчи ўринни эгаллади. Шаҳар туманлари бўйича олий ўқув юртларининг кундузги бўлимига кирувчиларнинг жавоблар самарадорлигига эътибор берилса, унда Мирзо Улуғбек тумани математика, тарих, инглиз тили, немис тили; Яккасарой тумани физика, география; Чилонзор тумани она тили ва адабиёти, биология; Миробод тумани француз тили; Сирғали тумани кимё фанларидан юқори кўрсаткичларга эришган.*

*1998 йил тест технологиясини ўрганиш ва тест синовларига тайёрлашда Давлат тест маркази Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси ва туман халқ таълими бўлимлари билан ҳамкорликда мактаб ва лицей битирувчилари учун ташкил қилган дастлабки тест синовлари ўз самарасини берган. Дастлабки тест синовларига 5 мингдан ортиқ лицей ва мактаб ўқувчилари жалб этилди. Баъзи туманларнинг мактаб ва лицейлари таклифига кўра бу синов икки марталаб ҳам ўтказилди.*

*Ўтказилган тест якунлари атрофлича ўрганиб чиқилиб, қайси йўналиш бўйича ўқув юртларига киришлари юзасидан тавсия ва маслаҳатлар берилди.*

*Ҳар бир битирувчига «Ахборотнома» журналларини етказиш, уларда чоп этилган тестларни ечишда консультацияларни ташкил қилиш борасида Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлимлари фаоллик кўрсатдилар, натижада Тошкент шаҳрининг туманларида тест синовларида қатнашган абитуриентларнинг жавоблар самарадорлиги бошқа туманларга нисбатан юқори эканлигини кўриш мумкин.*

*Давлат тест маркази ҳозирги кунларда 1999 йил тест синовларига тайёргарлик ишларини бошлаб юборди, жумладан Тошкент шаҳри халқ таълими Бош бошқармаси билан ҳамкорликда бирламчи тестларни ўтказиш жадвали ишлаб чиқилди. Жадвалда белгиланган тест синовларини сифатли ўтказиш учун барча туман халқ таълими бўлимлари ижтимоий, иқтисодий, тиббий ҳамда техникавий йўналишлар бўйича буюртмаларни Давлат тест марказига беришлари лозим.*

***(Маълумот учун телефонлар: 55-95-73, 55-67-83).***

***Тошкент шаҳридаги умумтаълим мактаблари 11-синф битирувчилари билан бирламчи тест синовларини ўтказиш жадвали***

| № | Туманлар | Куни | Вақти | Манзили | Қайси тилда | Масъул шахс |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | А.Икромов | 19.01.99 | 14-00 | 287-мактаб | русча | Ш.Икромов |
| 2. | Бектемир | 20.01.99 | 14-00 | 293-мактаб | ўзбек | Ш.Шоахмедов |
| | | 21.01.99 | 14-00 | 293-мактаб | русча | |
| 3. | А.Икромов | 22.01.99 | 14-00 | 287-мактаб | ўзбек | Ш.Икромов |
| 4. | Миробод | 25.01.99 | 14-00 | 154-мактаб | ўзбек | Л.Абдурасулов |
| | | 26.01.99 | 14-00 | 94-мактаб | русча | |
| 5. | Мирзо Улуғбек | 27.01.99 | 14-00 | 241-мактаб | ўзбек | Т.Нурмуҳамедов |
| | | 28.01.99 | 14-00 | 171-мактаб | русча | |
| 6. | С.Раҳимов | 1.02.99 | 14-00 | 24-мактаб | ўзбек | А.Рахматуллаев |
| | | 2.02.99 | 14-00 | 24-мактаб | русча | |
| 7. | Сирғали | 3.02.99 | 14-00 | 317-мактаб | ўзбек | Т.Султонов |
| | | 4.02.99 | 14-00 | 317-мактаб | русча | |
| 8. | Ҳамза | 8.02.99 | 14-00 | 244-мактаб | ўзбек | И.Зокиров |
| | | 9.02.99 | 14-00 | 166-мактаб | русча | |
| 9. | Чилонзор | 10.02.99 | 14-00 | 173-мактаб | ўзбек | М.Абдалимов |
| | | 11.02.99 | 14-00 | 168-мактаб | рус | |
| 10. | Шайхонтоҳур | 15.02.99 | 14-00 | 59-мактаб | ўзбек | Р.Усмонбеков |
| | | 16.02.99 | 14-00 | 59-мактаб | русча | |
| 11. | Юнусобод | 17.02.99 | 14-00 | 258-мактаб | ўзбек | М.Одилова |
| | | 18.02.99 | 14-00 | 257-мактаб | русча | |
| 12. | Яккасарой | 22.02.99 | 14-00 | 176-мактаб | ўзбек | Ў.Мирзажонов |
| | | 23.02.99 | 14-00 | 176-мактаб | русча | |

**Тошкент шаҳри абитуриентларининг фанлар бўйича 1998 йил тест синовлари кўрсаткичлари**

**Ўрта махсус ўқув юртлари**

| № | Туман, шаҳар номи | Ўзбек тили ва ад. | | Математика | | Физика | | Биология | | Кимё | | Тарих | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Абит. сони | Самарадорлик % | Абит. сони | Самарадорлик % | Абит. сони | Самарадорлик % | Абит. сони | Самарадорлик % | Абит. сони | Самарадорлик % | Абит. сони | Самарадорлик % |
| 1 | Акмал Икромов тумани | 431 | 49,86 | 158 | 38,43 | 0 | 0,00 | 148 | 50,38 | 6 | 59,72 | 119 | 51,47 |
| 2 | Бектемир тумани | 23 | 44,32 | 9 | 40,12 | 0 | 0,00 | 10 | 40,83 | 0 | 0,00 | 4 | 43,06 |
| 3 | Миробод тумани | 93 | 42,95 | 43 | 32,36 | 0 | 0,00 | 32 | 46,61 | 0 | 0,00 | 17 | 51,96 |
| 4 | Мирзо Улуғбек тумани | 204 | 48,12 | 78 | 36,61 | 0 | 0,00 | 57 | 46,10 | 9 | 31,48 | 60 | 53,66 |
| 5 | Сирғали тумани | 396 | 50,62 | 85 | 39,05 | 0 | 0,00 | 40 | 46,81 | 3 | 47,22 | 268 | 46,03 |
| 6 | Собир Раҳимов тумани | 396 | 50,13 | 150 | 35,81 | 0 | 0,00 | 114 | 51,92 | 16 | 39,76 | 114 | 52,80 |
| 7 | Чилонзор тумани | 308 | 48,74 | 109 | 38,79 | 0 | 0,00 | 79 | 52,92 | 11 | 40,91 | 109 | 54,59 |
| 8 | Шайхонтоҳур тумани | 462 | 51,82 | 153 | 41,87 | 0 | 0,00 | 178 | 52,92 | 20 | 52,08 | 110 | 48,26 |
| 9 | Юнусобод тумани | 434 | 48,25 | 172 | 38,65 | 0 | 0,00 | 136 | 50,16 | 25 | 30,89 | 101 | 53,36 |
| 10 | Яккасарой тумани | 90 | 48,80 | 39 | 35,83 | 0 | 0,00 | 20 | 49,03 | 3 | 51,85 | 28 | 57,34 |
| 11 | Ҳамза тумани | 191 | 47,03 | 75 | 38,37 | 0 | 0,00 | 54 | 46,04 | 8 | 31,60 | 54 | 56,38 |

**Тошкент шаҳри абитуриентларининг фанлар бўйича 1998 йил тест синовлари кўрсаткичлари**

**Олий ўқув юртларининг кундузги бўлимлари**

| № | Туман, шаҳар номи | Ўзбек тили ва ад. | | Математика | | Физика | | Биология | | Кимё | | Тарих | | География | | Инглиз тили | | Немис тили | | Француз тили | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Абит. сони | Самарадорлик % | Абит. сони | Самарадорлик % | Абит. сони | Самарадорлик % | Абит. сони | Самарадорлик % | Абит. сони | Самарадорлик % | Абит. сони | Самарадорлик % | Абит. сони | Самарадорлик % | Абит. сони | Самарадорлик % | Абит. сони | Самарадорлик % | Абит. сони | Самарадорлик % |
| 1 | Акмал Икромов тумани | 768 | 42,39 | 403 | 47,53 | 175 | 35,06 | 90 | 53,92 | 104 | 38,01 | 291 | 51,05 | 3 | 26,85 | 350 | 54,84 | 36 | 33,64 | 21 | 44,58 |
| 2 | Бектемир тумани | 30 | 42,50 | 14 | 46,83 | 5 | 36,67 | 6 | 59,72 | 7 | 46,03 | 10 | 43,89 | 0 | 0,00 | 12 | 44,68 | 3 | 29,63 | 0 | 0,00 |
| 3 | Миробод тумани | 328 | 42,33 | 161 | 52,42 | 82 | 37,16 | 47 | 54,14 | 36 | 42,36 | 123 | 57,81 | 0 | 0,00 | 154 | 52,47 | 20 | 35,00 | 11 | 66,67 |
| 4 | Мирзо Улуғбек тумани | 799 | 41,45 | 393 | 53,38 | 174 | 35,49 | 119 | 51,40 | 107 | 40,08 | 297 | 58,55 | 0 | 0,00 | 393 | 58,97 | 31 | 40,14 | 27 | 43,31 |
| 5 | Сирғали тумани | 407 | 40,62 | 223 | 46,84 | 110 | 33,46 | 52 | 52,46 | 56 | 47,92 | 141 | 52,99 | 2 | 45,83 | 183 | 52,53 | 11 | 39,39 | 3 | 19,44 |
| 6 | Собир Раҳимов тумани | 1267 | 41,01 | 667 | 48,54 | 330 | 39,28 | 192 | 58,77 | 200 | 45,47 | 438 | 49,30 | 12 | 49,07 | 546 | 54,62 | 18 | 31,17 | 15 | 33,15 |
| 7 | Чилонзор тумани | 642 | 43,23 | 331 | 51,75 | 131 | 36,05 | 100 | 59,97 | 103 | 47,01 | 222 | 55,83 | 3 | 40,74 | 320 | 57,86 | 22 | 29,17 | 8 | 38,54 |
| 8 | Шайхонтоҳур тумани | 1302 | 42,08 | 708 | 49,68 | 328 | 38,04 | 181 | 55,60 | 195 | 42,18 | 444 | 49,87 | 3 | 38,89 | 600 | 56,40 | 31 | 34,59 | 11 | 26,52 |
| 9 | Юнусобод тумани | 1525 | 41,06 | 838 | 51,88 | 383 | 33,33 | 247 | 52,29 | 227 | 41,02 | 480 | 53,61 | 6 | 43,52 | 715 | 56,29 | 32 | 36,37 | 30 | 46,11 |
| 10 | Яккасарой тумани | 370 | 42,80 | 176 | 52,73 | 71 | 41,20 | 72 | 53,32 | 45 | 40,19 | 139 | 57,09 | 2 | 70,83 | 177 | 54,54 | 8 | 19,79 | 10 | 24,17 |
| 11 | Ҳамза тумани | 587 | 39,10 | 323 | 46,29 | 179 | 35,82 | 82 | 55,93 | 81 | 41,12 | 196 | 55,29 | 5 | 50,56 | 232 | 52,77 | 26 | 31,09 | 7 | 36,51 |

**Тошкент шаҳри абитуриентларининг фанлар бўйича 1998 йил тест синовлари кўрсаткичлари**

**Олий ўқув юртларининг сиртқи бўлимлари**

| № | Туман, шаҳар номи | Ўзбек тили ва ад. | | Математика | | Физика | | Биология | | Кимё | | Тарих | | География | | Инглиз тили | | Немис тили | | Француз тили | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Абит сони | Самарадорлик % | Абит сони | Самарадорлик % | Абит сони | Самарадорлик % | Абит сони | Самарадорлик % | Абит сони | Самарадорлик % | Абит сони | Самарадорлик % | Абит сони | Самарадорлик % | Абит сони | Самарадорлик % | Абит сони | Самарадорлик % | Абит сони | Самарадорлик % |
| 1 | Акмал Икромов тумани | 308 | 47,43 | 201 | 51,93 | 87 | 35,82 | 18 | 46,60 | 18 | 27,62 | 100 | 59,06 | 4 | 53,47 | 127 | 50.57 | 28 | 22.52 | 17 | 41.34 |
| 2 | Бектемир тумани | 13 | 46,58 | 8 | 60,07 | 4 | 31,25 | 2 | 37,50 | 2 | 16,67 | 5 | 51,67 | 0 | 0,00 | 2 | 56.94 | 3 | 19.44 | 0 | 0.00 |
| 3 | Миробод тумани | 147 | 45,63 | 103 | 47,92 | 56 | 36,90 | 5 | 55,56 | 4 | 20,83 | 46 | 56,34 | 3 | 38,89 | 54 | 41.92 | 11 | 21.72 | 9 | 40.12 |
| 4 | Мирзо Улуғбек тумани | 297 | 43,56 | 207 | 48,70 | 94 | 37,09 | 28 | 48,81 | 30 | 36,11 | 74 | 54,65 | 3 | 38,89 | 126 | 49.74 | 15 | 32.22 | 7 | 26.98 |
| 5 | Сирғали тумани | 183 | 45,04 | 125 | 44,64 | 57 | 33,24 | 11 | 44,19 | 10 | 33,06 | 58 | 56,08 | 5 | 36,11 | 75 | 46.33 | 11 | 19.95 | 7 | 17.86 |
| 6 | Собир Раҳимов тумани | 451 | 47,53 | 309 | 52,09 | 149 | 39,30 | 31 | 52,78 | 26 | 31,73 | 138 | 55,86 | 12 | 43,06 | 173 | 54.42 | 13 | 23.72 | 12 | 34.95 |
| 7 | Чилонзор тумани | 268 | 48,98 | 171 | 52,01 | 67 | 36,07 | 23 | 46,26 | 13 | 45,51 | 93 | 56,90 | 4 | 40,97 | 121 | 49.89 | 20 | 22.08 | 10 | 26.11 |
| 8 | Шайхонтоҳур тумани | 441 | 47,35 | 308 | 51,51 | 134 | 39,76 | 39 | 54,99 | 25 | 33,11 | 127 | 50,13 | 10 | 38,33 | 201 | 50.37 | 18 | 23.77 | 8 | 22.57 |
| 9 | Юнусобод тумани | 457 | 46,39 | 323 | 50,54 | 153 | 37,93 | 42 | 42,72 | 32 | 32,20 | 120 | 52,52 | 4 | 40,28 | 188 | 50.10 | 22 | 26.77 | 19 | 33.19 |
| 10 | Яккасарой тумани | 140 | 47,50 | 90 | 46,05 | 42 | 38,89 | 11 | 57,32 | 6 | 38,89 | 53 | 55,14 | 5 | 53,33 | 53 | 43.45 | 4 | 33.33 | 8 | 25.69 |
| 11 | Ҳамза тумани | 273 | 42,81 | 203 | 43,57 | 111 | 33,01 | 25 | 44,67 | 15 | 29,63 | 64 | 56,73 | 8 | 40,63 | 89 | 51.28 | 11 | 22.98 | 13 | 20.51 |

# БИЗ ХАЛҚНИ МАДАНИЯТИ, МАЪНАВИЯТИ ОРҚАЛИ БИЛАМИЗ

## 1998 - 1999 - ўқув йилида 5-11 синфларда «Жаҳон тарихи» дарсларини ўтиш бўйича услубий тавсиялар

**(Давоми. Боши газетанинг 1998 йил 19 сентябрь, 4-ноябрь сонларида чоп қилинган)**

**5 - СИНФ**

**9 - мавзу:** Янги Вавилония. Эрон подшолигининг ташкил топиши /2 соат/.

Бу мавзуда эрамиздан аввалги VII - VI асрлардан Вавилониянинг ҳаёти, вавилонияликларнинг илмий билимлари, Эрон шоҳларининг истилолари ва эрамиздан аввалги VI аср охири ҳамда V аср бошларида Эрон подшолигининг ташкил топиши, Доро ислоҳотлари, Аҳмонийларнинг босқинчилик юришлари, маданияти ҳақида тушунча ва билимлар берилади.

**10-мавзу:** Қадимги Ҳиндистон /2 соат/.

Бу мавзуда Қадимги Ҳиндистон ва унинг аҳолиси, жойлашган ери ва табиати, Ҳиндистоннинг энг қадимги шаҳарлари ва уларнинг тақдири, ҳиндларнинг хўжалиги ва ҳаёти, мулкий тенгсизлик ва давлатнинг ташкил топиши, одамларнинг тоифаларга бўлиниши ва унга қарши кураш, қадимги Ҳиндистонда адабиёт, санъат, дин, рақамларга муносабат ҳамда ҳиндларнинг бошқа халқлар билан алоқалари айтиб ўтилади.

**11-мавзу:** Қадимги Хитой /2 соат/.

Бу мавзуда Қадимги Хитойнинг табиати, Хитой тарихига оид ашёвий ва ёзма маълумотлар, Хитойнинг хўжалиги ва аҳолиси, эрамиздан олдинги бир минг йилликда бу ерда ягона давлатнинг пайдо бўлиши, Улуғ Хитой деворининг қурилиши, Хитой подшолигининг босқинчилик юришлари, халқ қўзғолонлари, қадимги Хитой маданияти, ёзув, илмий билимлар, санъати ва Хитойнинг бошқа мамлакатлар билан алоқаси тушунтирилади.

**12-мавзу:** Урарту подшолиги /2 соат/.

Бу мавзуда эрамиздан аввалги IX - VI асрларда Урарту давлатининг пайдо бўлиши, мамлакатнинг табиати ва аҳолиси, Урарту подшоларининг истилочилик юришлари, Сардур II даврида унинг гуллаб-яшнаши, Оссурияликлар ва Мидияликлар ҳужуми натижасида Урартунинг қулаши ҳақида тушунчалар ва билимлар берилади.

Такрорлаш-умумлашма дарс /2 соат/.

Эҳтиёт соатлар /3 соат/.

**6 - СИНФ**

**9-МАВЗУ:** Рим империясининг инқирози ва ҳалокати /3 соат/.

II асрнинг охири ва III асрнинг бошларида қулдорлик хўжалигининг инқирози, қулчиликнинг- хўжалик тараққиёти йўлидаги ғов эканлиги, «Кулбали қуллар» ва колонлар, империядаги қўзғолонлар, варварларнинг империя чегараларига тазйиқи. Империянинг заифлашуви ва парчаланиши, қўзғолоннинг бостирилиши ва империянинг бирлаштирилиши ҳамда Диоклетианнинг ҳукмронлиги ҳақида тушунтирилади.

Христианликнинг пайдо бўлиши ва унинг сабаблари, Исо ҳақидаги афсоналар, Рим империясида христианликнинг ҳукмрон динга айланиши, пойтахтнинг кўчирилиши, христианликнинг фан ва санъатга муносабати тўғрисида батафсил айтилади.

Ғарбий Рим империясининг қулаши, Варварлар тазйиқининг кучайиши ва готларнинг бостириб кириши, империянинг бўлиниб кетиши, Римнинг готлар қўлига ўтиши, Ғарбий Рим империясининг ҳалокати ва Ғарбий Европада қулчиликнинг емирилиши ҳақидаги билимлар ўзлаштирилади.

Такрорлаш - умумлаштириш дарси(1 соат).

Якуний такрорлаш (2 соат).

Эҳтиёт соатлар (2 соат).

**7 - СИНФ**
**УЧИНЧИ БЎЛИМ**

**14 - МАВЗУ:** Жуғрофик кашфиётлар ва мустамлака босқинчиликлари /5 соат/.

Бу мавзуда оддий механизмларнинг такомиллаштирилиши, металлургия, ҳарбий техника ва кемасозликнинг ривожланиши, китоб нашр қилиш, билимларнинг кенг ёйилиши, ўша даврдаги техник ихтиролар ва буюк географик кашфиётлар, денгизда сузишнинг ривожланиши, Америка ва Ҳиндистонга денгиз йўлининг очилиши, XV аср Колумб, Васко да Гамма. Ф. Магеллан тўғрисида, Европа халқларининг, айниқса, португал ва испанларнинг мустамлакачилик босқинлари, Эски дунё ва Янги дунё тушунчаларининг пайдо бўлиши, буюк географик кашфиётларнинг оқибатлари ҳақида ўқувчилар билим олиши, мақсадга мувофиқдир. Айни пайтда Европаликларнинг мустамлакаларни босиб олиш, Осиё ва Африкадаги Португалия мустамлакалари, Испания Феодалларининг Мексика ва Перуни забт этиш, Куба, Гаити, Америка ва бошқа жойлар туб аҳолисининг асоратга солиниши ҳамда қириб юборилиши, мустамлакаларни ваҳшийларча талаш, Америка мустамлакаларига қул-негрларни келтириш, буюк географик кашфиётларнинг аҳамияти кўрсатиб берилади.

**15-МАВЗУ:** XVI асрда Англияда саноат ишлаб чиқаришининг ривожлана бошланиши /3 соат/.

Бу мавзуда Англияда манифактураларнинг вужудга келиши, буржуазия ва ёлланма ишчиларнинг пайдо бўлиши, деҳқонлар ерларининг тортиб олиниши, қонли қонунлар, деҳқонларнинг ғов тутишга қарши кураши, савдо-сотиқнинг ривожланиши, Англиянинг мустамлакалардаги олиб борган ваҳшиёна сиёсати, Англия ва Испания ўртасидаги денгиз учун рақобат каби масалалар ёритилади.

Англияда қирол ҳокимияти ва ислоҳотчиликни /денгизларда устунликка эришиш учун кураш, инглиз абсолютизми/ кўриб чиқиш тавсия этилади.

**16 - МАВЗУ:** Францияда мутлақ монархия /2 соат/.

Бу мавзуни Францияда манифактура ва савдо-сотиқнинг ривожланиши, халқ оммасининг аҳволи, Ришелье даврида Марказий ҳокимиятнинг кучайиши, буржуазия ва дворянларнинг аҳволи, диний урушлар ва абсолют монархиянинг мустаҳкамланиши, (Генрих IV),XVII асрда марказий ҳокимиятнинг мустаҳкамланиши, Француз абсолютизми, Ришелье, Людовик XIV, Француз шоҳларининг қасрлари ҳақидаги масалаларни кўриб чиқиш билан якунлаш тавсия этилади.

**17-МАВЗУ:** Европада реформация ва Германияда деҳқонлар уруши /4 соат/.

Бу мавзуни ёритишда Германияда реформация ва деҳқонлар урушининг сабаблари, манифактураларнинг вужудга келиши ва буржуазиянинг пайдо бўлиши, Германиянинг тарқоқлиги-тараққиётга тўсиқ эканлиги бу ерда католик черковнинг фаолиятини ислоҳотлар жараёни ва деҳқонлар уруши /М.Лютер, Т.Мюнцер/, Европага ислоҳотнинг тарқалишини / кальвинчилар, гугенотлар, пуританлар, католиклар ва протенстантлар/, католик черковининг ислоҳотчиликка қарши кураши ва иезуитларни кўрсатиш лозим.

**18 -МАВЗУ:** Россиянинг XVI-XVII асрларда сиёсий-иқтисодий аҳволи /5 соат/.

XVI-XVII асрларда Россиядаги сиёсий ва иқтисодий вазият. Дворянларнинг кучайиши, Иван IV даврида ҳокимиятнинг мустаҳкамланиши, ҳарбий соҳадаги ислоҳотлар. Россиянинг ташқи сиёсати. Волга бўйи ва Ғарбий Сибирнинг босиб олиниши. Қозон ва Шарқий Сибирнинг босиб олиниши. Астрахан хонлигининг бўйсундирилиши. Левония уруши. Болтиқ денгизига чиқиш учун кураш. Хўжалик ва маданиятнинг ривожланиши. Опричнинанинг жорий қилиниши. Дворянлар манфаати ҳимояланиши, боярларга берилган зарба. Самодержавие тузумининг мустаҳкамланиши. XVII асрда Россиянинг иқтисодий ва сиёсий аҳволи. Деҳқонлар урушининг бошланиш сабаблари. Иван Болотников қўзғолони.

Урушнинг мағлубиятга учраш сабаблари. Рус халқининг поляк ва швед босқинчиларига қарши кураши. Москванинг эгалланиши. Кузьма Минин ва Дмитрий Пожарский раҳбарлигида халқ ҳаракати. Босқинчиларнинг ҳайдаб чиқарилиши.

Крепостной зулмнинг кучайиши. Барщина хўжалиги. Янги иқтисодий ислоҳотлар. Манифактуранинг вужудга келиши. Шаҳарлар ва савдо-сотиқнинг ўсиши. Бутун Россия бозорининг шаклланиши. Янги иқтисодий муносабатларнинг шаклланиш жараёни. Россиянинг Европадаги илғор мамлакатлардан ортда қолиш сабаблари.

**19-МАВЗУ:** Нидерландия буржуа инқилоби /2 соат/.

«Нидерландия буржуа инқилоби» мавзуси ўрганилаётганда Нидерландияда капиталистик муносабатларнинг ривожланиши, Нидерландиянинг шимолида буржуа инқилобининг ғалабаси, буржуа Голландия республикасининг ташкил топиши каби масалалар ёритилиши лозим.

**20-МАВЗУ:** XVI аср охири - XVII асрнинг биринчи ярмида Европа маданияти /5 соат/.

Бу мавзуни ёритишда Уйғониш даври маданиятининг ўзига хос хусусиятлари, турли фанларнинг янада ривожланиши, /жаҳон фанида ўрта асрчилик қиёфасининг емирилиши - Н. Коперник, Ж.Бруно, Г.Галилей/, адабиётлар /буюк инсонпарвар ёзувчилар, инсоннинг ҳаётга қарашнинг ўзгариши, ҳаётга нисбатан фаоллашиб бориши/, санъатнинг гуллаб яшнашини /Уйғониш давридаги итальян санъати, Германия, Нидерландия, Испаниянинг буюк санъати усталари/ алоҳида ажратиб кўрсатиш лозим.

Такрорий-умумлашма дарсларида ўрта асрлар даврини ўрганиш бўйича якун чиқарилади ва Ғарб ҳамда шарқ халқларининг жаҳон маърифатига қўшган ҳиссаси кўрсатиб берилади.

**8-СИНФ**
**УЧИНЧИ БЎЛИМ**

Осиё ва Африка мамлакатлари

**13-МАВЗУ:** Япония, XIX асрда Японияниннг кашф қилиниши /1 соат/.

XVII-XVIII асрларда Япониянинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, ер эгалиги, феодал эксплуатация формалари, Токугава аҳволи, Сегун ва император, табақачилик, Япониянинг изоляция сиёсати, капиталистик муносабатларнинг шаклланиши, манифактуралар, Токугава режимнинг кризиси, деҳқонлар ва шаҳар қўзғолонлари, Япониянинг «зўрлаб» очилиши ва унинг оқибатлари, тенг ҳуқуқли бўлмаган шартномалар, 60-йилларда Японияда инқилобий вазиятнинг етилиши, деҳқонларнинг феодализмга қарши курашда асосий куч эканлиги масалалари ёритилади.

Самурайларнинг бир қисми билан буржуазия блоки, император ҳокимиятининг сегунатга қарама-қарши қўйилиши, фуқаролар уруши ва сегунатнинг тугатилиши, император ҳукумати, Мэйдзи ислоҳоти, Япония буржуа инқилобининг тугалланмаганлиги, инқилобнинг характери ва аҳамияти масалаларига алоҳида эътибор берилади.

**14-МАВЗУ:** XVIII-XIX асрларда Хитой /1 соат/.

Бу мавзуни ёритишда янги давр бошларида Хитойнинг ижтимоий аҳволи, Хитой маданияти, санъати ва техникаси, ер эгалиги шакллари, ҳунармандчилик, манифактура ва савдонинг ривожланиши, сиёсий тузум, табақачилик, изоляция сиёсати, Ғарб давлатларининг Хитой бозори учун кураши, Афъюн савдосининг роли, Афъюнга қарши кураш ва биринчи афъюн уруши, халқнинг кураши, Хитойнинг мағлубияти. 1843-1844 йиллардаги тенг бўлмаган битимлар ва Хитойнинг ярим мустамлакага айлантирилиши масалалари ёритилади.

Тайпинлар қўзғолонининг асосий сабаблари, деҳқонлар урушининг бошланиши ва биринчи даврдаги уруш ҳаракатлари, қўзғолоннинг ҳаракатлантирувчи кучлари, Тайпин Тяньгонинг эълон қилиниши, Тайпинларнинг ҳарбий ютуқлари, Нанкиннинг олиниши. Тайпин давлатининг сиёсати, аграр қонун, Тайпинларнинг маданият соҳасидаги тараққийпарвар тадбирлари, 1856 йилги Нанкиндаги воқеалар, деҳқонлар урушининг иккинчи даври, Тайпинларга қарши инглиз-француз-америка агрессияси, Тайпинлар қўзғолонининг мағлубияти сабаблари ва аҳамияти кўрсатиб берилади.

**15-МАВЗУ:** XVIII-XIX асрларда Ҳиндистон /1 соат/.

Бу мавзуни ёритишда янги давр бошларида Ҳиндистоннинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи. Бобурийлар империяси, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши даражаси, ҳинд маданияти ва санъати, архитектураси, аграр муносабатлар, кастачилик тузуми, Ҳиндистонда Европалик мустамлакачиларнинг дастлабки таянч пунктлари, XVIII асрнинг иккинчи томонидан истило қилиниши, Синднинг истило қилиниши, Панжобнинг аннекция қилиниши, Ҳиндистонда Англиянинг мустамлакачилик маъмурияти, Ост-Индия компаниясининг эволюцияси, Британиянинг аграр сиёсати, ҳинд халқининг қашшоқланиши, ҳунармандчиликнинг инқирози масалалари ёритилади.

Ҳиндистонда 1857-1859 йиллардаги миллий қўзғолоннинг асосий сабаблари, инглиз-ҳинд армиясининг аҳволи, ҳинд феодалларидан бир қисмининг Британия сиёсатидан норозилиги, қўзғолоннинг бошланиши, ҳаракатлантирувчи кучлари, асосий марказлари ва раҳбарлари, қўзғолоннинг бостирилиши ва партизанлик босқичи, енгилиш сабаблари, характери ва аҳамияти каби масалаларга эътибор бериш зарур.

**16-МАВЗУ:** XVIII-XIX АСРЛАРДА Эрон ва Туркия /2 соат/.

Бу мавзуда XVIII аср охири ва XIX аср бошларида Эроннинг ижтимоий-иқтисодий тузуми, кўчманчи қабилалар, деҳқонларнинг аҳволи, Эрон давлатининг тузуми, Кожарлар династиясининг ташкил топиши масалалари кўриб чиқилади.

XIX аср бошларида Англия, Франция ва Россиянинг Эрон учун кураши, Биринчи Россия-Эрон уруши, Гулистон шартномаси. 1814 йилги Россия-Эрон уруши, Туркманчой шартномаси, Эроннинг таслимчилик сиёсати, Эронга чет эл товарларининг кириши ва унинг оқибатлари ёритилади.

Эронда Бобийлар қўзғолонининг сабаблари, қўзғолоннинг бошланиши, Мозандарон, Найриз ва Зенжандаги ҳаракатлар, қўзғолоннинг характери, мағлубиятга учраш сабаблари, қўзғолоннинг аҳамияти ва оқибатлари, Амир Низом ислоҳотлари, 1856 йилги Англия-Эрон уруши Париж сулҳи ва қарамликнинг кучайиши кўрсатилади.

Янги давр бошларида Усмон империясининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, мазлум халқлар устидан зулм, XVIII асрда феодал тарқоқликнинг кучайиши, деҳқонларнинг ҳаракатлари, Россия-Туркия урушларининг оқибатлари, XIX асрнинг биринчи ярмида Европа давлатларининг Туркия учун кураши, Бухарест сулҳи, 1828-1829-йиллардаги рус-турк уруши, Болқон халқларининг озодлик кураши, Туркиянинг тобора асоратга солиниши масалалари ёритилади.

Қрим урушининг сабаблари ва характери, Туркияга қарши ҳарбий ҳаракатнинг бошланиши, урушга Англия ва Франциянинг кириши, Севастопол мудофааси, Чоризмнинг мағлубияти, Париж шартномаси, Туркиянинг Европа давлатларига қарамлиги, Туркия маърифатпарварлиги, «Янги усмонийлар» жамияти ва конституцион ҳаракат каби масалалар ёритилади.

**17-МАВЗУ:** XVIII-XIX асрларда Африка халқлари ва давлатлари /1 соат/.

Бу мавзуни ўқувчиларга тушунтиришда XVIII аср охири ва XIX асрларда араб мамлакатларининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, Ироқ, Сурия, Ливан ва Фаластин, Миср давлатлари, Муҳаммад Алининг ташқи сиёсати, Мисрга чет эл инвестициясининг кириб келиши ва бозор иқтисоди муносабатларнинг шаклланиши, Англия мустамлакачиларининг Араб давлатларига бостириб кириши, Жазоирнинг Франция томонидан эгалланиши, Жазоирликларнинг Француз босқинчиларига қарши кураши, Абдул Қодир, АҚШ ва ЕВРОПА давлатларининг Мағриб мамлакатларига бостириб кириши ҳамда XVIII-XIX асрларда Тропик ва Жанубий Африка халқлари, Эфиопияга Англия агрессияси, Португалиянинг Тропик ва Жанубий Африкадаги ерларни босиб олиши, қул савдоси ва унинг Африка учун оқибатлари, XVIII-XIX асрларда Тропик ва Жанубий Африкадаги давлатларнинг ижтимоий тузуми, монополистик капитализмгача бўлган даврда мустамлакачилик юришлари ва африка халқларининг кураши, Либерия жумҳуриятининг тузилиши каби масалалар ёритилади.

**18-МАВЗУ:** XIX асрнинг биринчи ярмида ижтимоий фикр ва ижтимоий ҳаракатлар /1 соат/.

Бу мавзуни ёритишда илмий социализмнинг пайдо бўлиши ҳақида, К. Маркс, Ф. Энгельснинг олим сифатидаги фаолияти ва унга ҳозирги қарашлар, дастлабки ишчи ташкилотлари, 1-Байналминалнинг пайдо бўлиши ва фаолияти бу масалага ҳозирги қарашлар, прудончилик, касаба-союзчилик, лассалчилик, бакунинчилик оқимларининг моҳияти кўрсатиб берилади.

**19-МАВЗУ:** XIX асрнинг биринчи ярмида Жаҳон халқлари маданияти /2 соат/.

Бу мавзуда ишлаб чиқариш тармоқларида техника тараққиёти ва унга ҳисса қўшган олимларнинг ихтиролари, кончилик ва металлургиянинг ривожи, машинасозлик, ички ёнув двигателлари, химия, математика, табиёт фанлари, тарих, фалсафа ва халқ маорифидаги ўзгаришлар, адабиёт ва санъатдаги ютуқлар кўрсатилади.

Такрорлаш-умумлаштириш дарсларида учинчи бўлимдаги воқеалар умумлаштирилиб, бу соҳадаги билимлар мустаҳкамланади.

**9-СИНФ**
**ИККИНЧИ БЎЛИМ**

Осиё ва Африка мамлакатлари

**9-МАВЗУ:** XIX аср охири ва XX аср бошларида Япония /2 соат/.

Бу мавзуда XIX аср охирида Японияда бозор иқтисодининг ривожланиши, Японияда индстурлаштиришнинг характери ва хусусиятлари, саноатни ривожлантиришда давлатнинг роли, Япония қишлоғи ва деҳқонлар ҳаракати, Либерал-конституцион ҳаракат. «Озодлик ва халқ ҳуқуқлари учун ҳаракат» ташкилоти фаолияти, 1889 йил Конституцияси, ижтимоий ҳаракатнинг кучайиши. Японияниннг ташқи сиёсати, Корея ва Хитойга қарши агрессив ҳаракат, 1894-1895 йиллардаги Япония-Хитой уруши ёритиб берилади.

XX аср бошларида Япония монополистларининг ўсиши ва уларнинг хусусиятлари. Япония жамиятининг характери. Сиёсий реакциянинг кучайиши, Япониянинг ташқи сиёсати, Рус-Япон уруши. Кореянинг аннекция қилиниши, ижтимоий ҳаракатнинг ўсиши, Биринчи жаҳон уруши арафасида мамлакатда аҳволнинг кескинлашуви кўрсатилади.

**10-МАВЗУ:** XIX аср охири ва XX аср бошларида Хитой /3 соат/.

Бу мавзуда Хитойнинг ярим мустамлакага айланиши ва ишлаб чиқаришда тараққиётнинг бошланиши ҳамда унинг хусусиятлари, Цань династиясининг чет мамлакатларга қарамлигининг кучайиши, ижтимоий ҳаракатлар. Хитойга қарши хорижий мамлакатлар агрессиясининг кучайиши, ижтимоий Франция-Хитой уруши, Япония-Хитой уруши, Хитойнинг таъсир доираларга бўлиниши, АҚШнинг Хитойдаги сиёсати ва Хэй доктринаси, Ихэтуаналар қўзғолони, Чжу Хун-Дэн фаолияти, Саккиз давлатнинг Хитойга қарши интервенцияси очиб берилади.

XX аср бошида Хитойнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, Сунь Ят-сеннинг фаолияти, Инқилобий ҳаракатнинг бошланиши, Сичуан ва Учань қўзғолони, Муваққат республика ҳукуматининг тузилиши ва Сунь Ятсеннинг Президент қилиб сайланиши, Цинь династияснинг тахтдан воз кечиши, хорижий давлатларнинг Хитойга муносабати, Юань Ши-Кай фаолияти, 1911 йилги инқилобнинг мағлубияти, Гоминдан партиясининг ташкил топиши, «Иккинчи инқилоб», Диктатуранинг ўрнатилиши масалалари ўрганилади.

**11-МАВЗУ:** XIX аср охири ва XX аср бошларида Ҳиндистон /3 соат/.

Бу мавзуда XIX аср охирида Ҳиндистонда мустамлакачилик эксплуатацияси, ҳинд халқининг миллий-озодлик чиқишлари, саноат капитализмининг пайдо бўлиши, буржуа миллий ҳаракатининг кучайиши, «Ҳиндистон миллий конгресси» партиясининг тузилиши, Тилак ва унинг инқилобий фаолияти, мамлакатда ижтимоий ҳаракатнинг кучайиши ёритилади.

XX аср бошларида Ҳиндистоннинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, Бенгалиянинг бўлиниши, инқилобий ҳаракатнинг бошланиши, 1906-1908 йилларда инқилобий ҳаракатлар, «Свартаж» ва «Свадеши» шиорлари, Тилакнинг суд қилиниши, Бомбейдаги умумий иш ташлаш, 1906-1908 йилларда инқилобнинг мағлубияти, Биринчи жаҳон уруши арафасида Ҳиндистоннинг ички ва ташқи сиёсати очиб берилади.

**12- МАВЗУ:** XIX аср охири ва XX аср бошларида Эрон ва Афғонистон /3 соат/.

Бу мавзуда XIX асрнинг охирида Эроннинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳволи. Мамлакатнинг Англия ва Россияга қарамлигининг кучайиши, Эроннинг ярим мустамлакага айлантирилиши, ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши, миллий-буржуа ҳаракатининг пайдо бўлиши, ишчилар синфининг ташкил топиши, чет элликларга қарши халқ оммасининг чиқишлари ўрганилади.

XX аср бошларида Эроннинг аҳволи, хорижий мамлакатларга қарамлиги, Эронда инқилобнинг объектив шарт-шароитлари, инқилобнинг бошланиши ва биринчи даврдаги халқ ҳаракатлари, инқилобнинг иккинчи даври, анжуманлар, Конституциянинг қабул қилиниши, 1907 йилги Англия-Россия битими, Жанубдаги қўзғолонлар, Шоҳнинг тахтдан воз кечиши, хорижий, давлатларнинг Эрондаги сиёсати, 1905-1911 йиллардаги Эрон инқилобининг енгилиши ва тарихий аҳамиятини кўрсатиб бериш зарур.

XIX аср охирида Афғонистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳволи, иккинчи инглиз-афғон уруши ва унинг оқибатлари, Абдураҳмоннинг ҳокимиятга келиши ва унинг ички ҳамда ташқи сиёсати, Дюранда битими, Ҳабибуллахон даврида Афғонистоннинг ички ва ташқи сиёсати, Муҳаммад Тарзийнинг маърифатчилик фаолияти. Биринчи жаҳон уруши йилларида Афғонистоннинг бетарафлигини очиб бериш мақсадга мувофиқдир.

**13-МАВЗУ:** XIX аср охири ва XX аср бошларида Туркия /2 соат/.

Бу мавзуда XIX аср охирларида Усмон империясининг инқирози ва миллий зулмнинг авж олиши, Болқон халқларининг туркларга қарши кураши, 1876 йилги Конституция, 1877-1878 йиллардаги Россия-Туркия уруши, Туркияга қарши ерларнинг қўлдан кета бошлаши, Ғарб давлатларининг Туркияга берган қарзлари, Концессиялар, Бағдод темир йўли, Сиёсий қарамликнинг кучайиши. XIX аср охирида Туркиянинг ярим мустамлакага айлантирилиши, ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши ва буржуа-миллий ҳаракатнинг туғилиши, «Бирлик ва тараққиёт» партиясининг тузилиши масалалари ёритиб берилади.

Туркиянинг XX аср бошларидаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳволи, инқилобий вазиятнинг вужудга келиши. 1908 йилги «Ёш турклар» инқилобининг бошланиши ва бориши, Конституциянинг тикланиши. 1909 йилги аксинқилобий исён, хорижий давлатларнинг Туркия инқилобига муносабати, Триполитаниядаги ва Болқон урушларининг Туркияга таъсири ўрганилади.

**14-МАВЗУ**: XIX аср охири ва XX аср бошларида.

Африка ва Араб мамлакатлари /2соат/.

Бу мавзуда XIX аср охирида Араб мамлакатларининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳволи, Сурия ва Ливаннинг ярим мустамлакага айлантирилиши, Ироқнинг асоратга солиниши, Арабистонда Англия ҳукмронлигининг кучайиши, Арабистондаги қўзғолон, Мисрнинг асоратга солиниши, А.Арабий бошчилигидаги озодлик ҳаракати, XX аср бошларида буржуа миллатчилиги ва миллий-озодлик ҳаракати, Маҳдийлар қўзғолони Суданнинг Англия томонидан эгалланиши, Ливиянинг Италия томонидан босиб олиниши, Франциянинг Тунисни эгаллаши, Жазоир Француз ҳукмронлиги остида. Марокашнинг французлар томонидан эгалланиши масалалари очиб берилади.

XIX аср охири ва XX аср бошларида Тропик ва Жанубий Африкада мустамлакачилик экспансиясининг кучайиши, Тропик Африканинг мустамлакачилар томонидан эгалланиши, Ғарбий Африкада Англия ва Германиянинг мустамлакачилиги, Самори Туре фаолияти, Марказий Африкада Бельгиянинг мустамлакачилиги, Шарқий Африканинг ривожланган хорижий давлатлар томонидан бўлиб олиниши. Англия-бурлар уруши ва Жанубий Африка иттифоқининг тузилиши, Мадагаскарнинг французлар томонидан эгалланиши, Африкада мустамлакачиларга қарши миллий озодлик ҳаракатининг кучайиши, Зулусларнинг Кетчвайо бошчилигидаги кураши. Хендрик Витбойнинг фаолияти ёритилади.

**10-СИНФ**
**УЧИНЧИ БЎЛИМ**

Жаҳонда вазиятнинг барқарорлашуви, фашизм ва уруш хавфининг кучайиши /1924-1939/.

**16-МАВЗУ:** 1924-1939 йилларда Германия /2 соат/.

Бу мавзуда иқтисодиётнинг барқарорлашуви йилларида Германиянинг аҳволи «Дауэс» плани ва ҳарбий саноат комплексининг тикланиши, Локарно конференцияси, Юнг плани, Г.Мюллер ҳукуматининг ички сиёсати, Германиянинг ташқи сиёсати. Германияда ижтимоий ҳаракатлар, социал-демократларнинг позицияси, жаҳон иқтисодий инқирозининг Германияга таъсири, фашизмнинг фаоллашуви, 1930 йиллардаги рейхстагга сайловлар, фашизмнинг ҳокимият тепасига келиши ва унинг ички сиёсати, Лейпциг суд жараёни, турли хил ташкилотларнинг таъқиқланиши, автаркия сиёсати, ирқчилик сиёсати, иқтисодиётнинг милитарлаштирилиши, фашизмга қарши кураш, бошқа давлатлар билан муносабат, шарқ мамлакатлари билан алоқалар, ўзбекларни Германияда ўқитиш, Европада фашизмнинг агрессив ташқи сиёсати, Версаль шартномасини писанд қилмаслик, «Антикоминтерн пакти», Австриянинг босиб олиниши, Мюнхен битими, Риббентрон Молотов битими, Польшага Германиянинг ҳужуми масалалари ёритилади.

**17- МАВЗУ :** Англия (2 соат).

Бу мавзуда иқтисодиётнинг барқарорлашуви йилларида Англиянинг ички ва ташқи сиёсати,-биринчи лейбористик ҳукумат,1926 йилги ижтимоий ҳаракатлар, Шўро ҳукумати билан дипломатик муносабатларнинг ўрнатилиши ва бузилиши,Англиянинг Хитойга интервенцияси, жаҳон иқтисодий инқирози ва Англия, турғунлик, иккинчи лейбористик ҳукумат, ижтимоий ҳаракатлар,фашистлар фаоллашуви, Англиянинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, Болдуин ва Чемберлен ҳукуматининг ички ва ташқи сиёсати, инглиз-француз-совет музокаралари.Англия—Мюнхен сиёсатининг мағлубияти ва унинг урушга кириши масалалари ўрганилади.

**18-МАВЗУ:** Франция /2соат/.

Бу мавзуда Франциянинг иқтисодий-ижтимоий аҳволи, «Сўл блок»нинг ташкил топиши, Эдуард Эрриб фаолияти, Шўро давлати билан дипломатик муносабатларнинг ўрнатилиши, Марокаш ва Сурияга қарши уруш, ижтимоий ҳаракатлар, жаҳон иқтисодий инқирози, фашизмнинг фаоллашуви, Халқ фронти. Леон Блюм ҳукумати, Халқ фронтининг заифлашуви, Франциянинг «аралашмаслик» сиёсати, Даледье ҳукумати, Франциянинг урушга қўшилиши очиб берилади.

**19-МАВЗУ:** Жанубий ва Жанубий-Шарқий Европа /4 соат/.

Бу мавзуда иқтисодиётнинг барқарорлашуви йилларида Италиянинг аҳволи. 1924 йилги сиёсий инқироз, баъзи ташкилотларнинг таъқиқланиши, Италиянинг ташқи сиёсати, жаҳон иқтисодий инқирози, турғунлик, Саноатни қайта қуриш институтининг ташкил бўлиши, Италия антифашистларининг Испаниядаги фаолияти, Италия фашизмининг агрессив сиёсати, «Антикоминтерн пакти»га қўшилиш. Социал-демократлар фаолияти, «Муниципиал социализм», ижтимоий ҳаракатлар, жаҳон иқтисодий инқирози, 1934 йилдаги қуролли тўқнашув, Австрияда фашистик диктатуранинг ўрнатилиши, бу даврда Чехославакия,Польша,Болгария ва Руминиянинг аҳволи, Чехословакиянинг бўлиб юборилиши, Польша сиёсатидаги қарама-қаршиликлар, Руминия ва Болгариянинг Германия иттифоқчисига айланиши масалалари ёритилади.

**20-МАВЗУ:** Испания /2 соат/.

Бу мавзуда Иқтисодиётнинг барқарорлашуви йилларида Испаниянинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, шимолий Африкадаги агрессив сиёсат, жаҳон иқтисодий инқирознинг Испанияга таъсири, 1931 йилдаги буржуа-демократик инқилоб ва монархиянинг ағдарилиши, ижтимоий ҳаракатлар, Халқ фронти учун кураш ва унинг 1936 йилги ғалабаси, Испан халқининг миллий-инқилобий уруши, ҳарбий фашистлар исёни ва итальян-герман интервенцияси, Испания республикаси билан халқаро бирдамлик ҳаракати, Ғарб давлатларининг «аралашмаслик» ва «бетарафлик» сиёсати, уруш давомида амалга оширилган инқилобий ислоҳотлар. Республиканинг енгилиши ва фашистлар диктатурасининг ўрнатилиши ёритилади.

**21-МАВЗУ:** Америка Қўшма Штатлари /3 соат/.

Бу мавзуда иқтисодиётнинг вақтинча барқарорлашуви даврида АҚШнинг иқтисодий-ижтимоий аҳволи, монополияларнинг янада бойиши, ички реакцион сиёсат, Сакко ва Ванценти иши, ижтимоий ҳаракатлар АҚШнинг Германия ҳарбий потенциалини тиклаш учун ёрдами, Хитойдаги интервенция, Филиппиндаги халқ ҳаракатининг бостирилиши Лотин Америкасидаги «йўғон калтак» сиёсати, жаҳон иқтисодий инқирозининг АҚШга таъсири ва ишлаб чиқаришнинг пасайиб кетиши, ишчилар, фермерлар ва фахрийлар ҳаракати, Ф.Рузьвелтнинг «янги йўли» ва уни амалга оширилиши, ижтимоий ҳаракатлар, АҚШнинг ташқи сиёсати, Шўро Давлати ,билан дипломатик алоқаларнинг ўрнатилиши, Европадаги, Узоқ Шарқдаги сиёсат «яхши қўшничилик» муносабатлари ёритилади.

**22-МАВЗУ:** 1924-1939 йилларда Шўро давлати (2 соат).

Бу мавзуда Шўро давлатида индустрлаштириш йўли давлат иқтисодий сиёсатининг зиддиятлилиги, индустрлаштириш масаласида турли қарашлар, индустрлаштиришда асосий муаммолар янги саноат қурилишлари, эски саноат корхоналарини қайта қуриш, индустрлаштиришда деҳқонлар иштироки, дастлабки муваффақиятлар, давлат секторининг ўсиши, хусусий секторнинг камайиши, индустрлаштириш даврида Шўро давлатининг халқаро аҳволи ва индустрлаштириш масаласига ҳозирги қарашлар очиб берилади.

Коллективлаштириш ва унинг оқибатлари, индустрлаштириш ва қишлоқ хўжалигининг орқада қолиши. Мамлакатда саноатлаштиришнинг ўтказилиши — ижобий натижалар, салбий оқибатлар, муаммолар ва қийинчиликлар, ишчиларнинг коллективлаштиришга жалб қилиниши, МТСларнинг ташкил этилиши, қишлоқда коллективлаштиришга қарши кураш, ғалла танқислиги, оммавий коллективлаштириш ва қулоқларни синф сифатида тугатиш сиёсати ва унинг салбий оқибатлари, колхоз қурилишидаги хатоларнинг сабаблари, коллективлаштириш масаласига ҳозирги қарашлар ёритилади.

Маданий инқилоб сиёсати, мактаб таълими, маориф ва маданий оқартув ишларининг олий ва ўрта таълимнинг қайта қурилиши, саводсизликни тугатиш, фан адабиёт ва санъатга янги бирёқлама талаблар, марксизм-ленинизмнинг сиёсий тарғиботи, маданий қурилишнинг миллий Жумҳурият ва вилоятлардаги хусусиятлари, халқларнинг миллий урфодатлари, анъаналари ва динига ҳужум, олий ва ўрта таълимдаги бир ёқлама ўзгаришлар, Шўро фани ва маданиятининг жаҳон майдонида танқидга учраши, маданий инқилобнинг ўзига хос хусусиятлари ва асосий босқичлари, халқ маорифидаги аҳвол, янги типдаги зиёлиларнинг тайёрланиши, шаклан миллий мазмунан социалистик маданиятнинг реакцион моҳияти, маданий инқилобга ҳозирги қарашлар очиб берилади.

Иккинчи жаҳон уруши арафасида Шўро давлатининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, большевистик мафкура, оммавий террор ва қатағонликлар, Давлат социализми тоталитар тизимининг моҳияти ёритилиб,Шўро давлатининг халқаро аҳволи, Япония билан тўқнашув, 1939 йилги музокаралар, Шўро-Германия битими, иккинчи жаҳон урушининг бошланиши ва Шўро раҳбариятининг сиёсати ўрганилади.

Такрорлаш - умумлаштириш дарсида йирик давлатнинг иқтисодий тараққиёти, ички ва ташқи сиёсати умумлаштирилади.

**23-МАВЗУ:** 1924-1939 йилларда Мўғулистон (1 соат).

Бу мавзуда Мўғулистон инқилобининг умумдемократик босқичга ўтиши, феодал эксплуатациянинг тугатилиши, нокапиталистик тараққиёт йўлидан ривожланиш, Шўро давлатининг бир томонлама ёрдами, иқтисодий соҳадаги ўзгаришлар, давлат секторининг ўсиши, саноатнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, 1936 йилги Шўро-Мўғул баённомаси, Япониянинг Мўғулустонга ҳужуми ва Халхин Голда тор-мор қилиниши масалалари ёритилади.

**24-МАВЗУ:** Хитой ва Япония (3-соат).

Бу мавзуда 1924-27 йилларда Хитойдаги фуқароларнинг биринчи инқилобий уруши, унинг характери ва хусусиятлари, Гоминданчиларнинг биринчи съезди, Сунь Ят-сеннинг «уч принципи», коммунистлар билан Гоменданчилар ўртасидаги келишув, Гуан-Чжоудаги Сунь Ят-сен ҳукумати. Гуандундаги инқилобий

**(Давоми 4-бетда)**

## 10 yanvar – Oybek tug'ilgan kun

# «...ҚИШЛАРИДА ШИВИРЛАР БАҲОР»

**(Бир шеър тарихи)**

*Ҳар бир йирик шоир бисотида бўлганидек, Ойбек ижодида ҳам шеърият мухлисларининг меҳр-муҳаббатларини қозониб келаётган лирик дурдоналар оз эмас. «Бир ўлкаки...» сўзлари билан бошланувчи «Ўзбекистон» шеъри ана шундай дурдоналар сирасидан, десак, янглишмаган бўламиз.*

*Бу шеър гарчанд 1934 йилнинг ноябрь ойида майдонга келган бўлсада, фақатгина 1955 йилдан – Ойбекнинг «Қуёш қўшиғи» тўплами чоп этилган вақтдан бошлаб олий ва ўрта ўқув юртларининг адабиёт дастурларидан мустаҳкам ўрин олди. Ойбек лирикасининг бу гўзал намунаси узоқ йиллар мобайнида халқимизнинг ўзбек диёри ҳақидаги самимий туйғу ва кечинмаларини ўзида ифодалаб келди.*

*Ижодий жараённинг ажабтовур томонлари бор. Баъзан узоқ даврлар мобайнида яхши билганингиз кичик бир шеърнинг ижодий тарихи бўлганидек, унинг пайдо бўлишига туртки берган омиллар ҳам дафъатан қалқиб чиқади. Ушбу шеър ҳам бундан мустасно эмас. Унинг ҳам яратилиш тарихи, пайдо бўлишига сабабчи бўлган омиллари бор.*

*1934 йил августида Чўлпон аруз вазнида «Бизнинг ватан» деган шеърини ёзди. Ўша йилнинг ноябрь ойида Ойбек ҳам «Ўзбекистон» шеърини яратди. Агар ҳар иккала шеърни ёнма-ён қўйиб ўқисак, уларнинг бир-бирига ғоятда яқин эканлиги маълум бўлади.*

***Ер юзинда ўзга бир олам***
***эрур бизнинг ватан,***
***Бошқа ҳар бир ўлкадан кенг,***
***ҳар диёрдан каттакон.***
***Ҳар томондан юксалиш***
***сорига ташлаб зўр қадам,***
***Дашту саҳроси анинг гул-гул***
***очилмишдир чаман!..***

*Чўлпон ана шу дастлабки сатрларда кўзга ташланган юксалиш мавзуини ривожлантира бориб, мамлакатимизда барпо этилаётган янги жамиятдаги илм-фан ва меҳнатнинг салмоғини кўрсатишга алоҳида эътиборни қаратган. Худди шу нарса Ойбекнинг ҳам диққат-эътибори марказида туради ва у, худди Чўлпон билан ижодий баҳсга киришгандек, Ўзбекистоннинг илмий-техник йўналишда эришган ютуқларини поэтиклаштиради:*

***Далаларда машинанинг***
***тетик нафаси,***
***Уфқларнинг зумрад***
***кўксин ўпар пахтазор.***
***Чоллар – йигит, йигит-***
***чалар чақмоқдай ёнар,***
***Эркин меҳнат бахтли***
***кўзда чўғ каби порлар,***
***Ироданинг қилич янглиғ***
***ўткирдир дами...***

*Агар Чўлпон билан Ойбекнинг бу икки шеърини ўзаро муқояса қилсак, уларнинг бир ғоявий йўналишга эга эканлиги маълум бўлади. Тахмин қилиш мумкинки, Ойбек устозининг бу шеъридан яхши хабардор бўлибгина қолмай, ундан муайян даражада «ғоявий» туртки ҳам олган.*

*Сир эмас, Ойбекнинг шоир сифатидаги шаклланишида Чўлпон билан бирга XX аср бошларидаги турк шеърияти ҳам муҳим аҳамиятга моликдир. Асримизнинг 10-йилларида жунбушга келган жадидчилик ҳаракати шу даврда турк шеъриятида катта куч билан эсган ҳуррият ва миллий тараққиёт ғояларини ўзбек диёрига олиб келди. Бу қутлуғ жараён 20-йилларнинг бошларида ҳам давом этиб, ўзбек шеъриятининг Ойбек сингари вакилини таъсир доирасига тортди.*

*«Янги турк поэзиясининг асарлари, — деган эди Ойбек таржимон А. Наумов билан суҳбатда, — мени илк марта лирик соддалик йўлида изланишга ўргатди. Мен турк поэзияси билан техникумнинг студенти бўлган йилларимда танишдим. Ўша пайтда Бокуда Яҳё Камол, Ризо Тавфиқ, Абдулҳақ Ҳомид ва бошқа бир неча турк шоирларининг асарлари нашр қилинганди. Бу асарлар менинг ҳам қўлимга тушиб қолди. Булар ҳозир ҳам менда сақланади. Яқинда уларни қайтадан варақларканман, илк марта таъсирланганимни кўз олдимга келтирдим».*

*Кези келганда шуни айтиш жоизки, Фитрат, Чўлпон, Ҳамза сингари жадид шоирлари ижодида ватан мавзуининг кенг ўрин эгаллашида ҳам турк шеърий маданиятининг таъсири оз эмас. Ёш усмонлилар ҳаракатининг назариётчиларидан бири Зиё Кўкалп турклардаги беш ахлоқнинг биринчиси сифатида ватаний ахлоқни кўрсатиб, бундай ёзган:*

*«Туркларнинг ... кўп юксак қиймат берадиган ахлоқи ватаний ахлоқдир. Чунки ижтимоий уюшмалар орасида том ва мустақил бир ҳаётда соҳиб бўлган ва бир ижтимоий алоқадорлик моҳиятига эга бўлгани фақат «Миллат» ва «Ватан» номлари берилган уюшмалардир. Оилалар бу ижтимоий алоқадорликнинг ҳужжатларидир, маслакий уюшмалар эса ришталардир. Миллатдан яна кенгроқ бўлган «Уммат» ва «Байналмилалчилик» каби уюшмаларга келинса, улар жамият моҳиятида эмас, жамиятлардан таркиб топган бир жамия (конгломерат) моҳиятидадирлар. Бу уюшмалардан ҳар бири фақат бир хусусий умумийликка эга экан, бир миллат ҳар бир хусусда шахсларни бирлаштирувчи бирлик демакдир. У ҳолда Миллат мафкураси бошқа уюшмаларга оид мафкуралардан, масалан, Оила мафкурасидан, Маслак мафкурасидан, Уммат мафкурасидан, Маданият ва Байналмилалчилик мафкурасидан янада юқорироқдир. Шу туфайли ватаний ахлоқнинг бошқа ахлоқлардан ҳам устун бўлиши лозим бўлади.*

*Ана шундай эътиқодга эга бўлган турк жадидлари асримиз бошларида ўз асарларида ватанпарварлик ғояларини олға суриш, она ватан образини яратиш, ватандошларида ватан ва миллат туйғусини шакллантиришга катта эътибор бердилар. Жумладан, Зиё Кўкалпнинг ўзи 1910 йили қуйидаги сатрлар билан бошланувчи «Ватан» шеърини ёзди:*

***Бир ўлкаки, жомесида***
***туркча азон ўқилур,***
***Қишлоқлик ҳам англар***
***бунда маъносини дуонинг.***
***Бир ўлкаки, мактабида***
***туркча Қуръон ўқилур,***
***Катта-кичик ҳар ким билур***
***буйруғини Худонинг,***
***Эй, Туркўғли, шу ердадир,***
***демак, сенинг ватанинг!***

*Ойбек 1934 йили «Ўзбекистон» шеърини ёзишга киришганда Зиё Кўкалпнинг ана шу шеърий шаклидан фойдаланишни ўринли, деб топди. Ўз даврида нафақат Туркияда, балки Туркистонда ҳам машҳур бўлган ва кишиларда туркий масканларга нисбатан меҳр-муҳаббат туйғусини уйғотган бу шеърнинг тантанавор руҳи унинг ўн беш ҳижолик вазни ва ҳар бир банди «Бир ўлкаки...» деган сўзлар билан бошланувчи услубий товланмасида айниқса ёрқин ифодаланган эди. Ойбек худди шу шаклни ўз бадиий ниятининг рўёбга чиқишига ёрдам берувчи восита деб билди. Ўн беш ҳижоли вазнни ўн уч ҳижоли бармоққа келтирди-да, Зиё Кўкалпнинг ababb, вгвгб тартибидаги қофия тизимини аббба, вгггв тарзида янгилади. Энг муҳими, шеърга XX асрдек чопағон давр руҳини теран сингдиришга эришди.*

*Шу тарзда Ойбек Чўлпон шеъридаги ғоявий йўналишдан ва Зиё Кўкалп шеъридаги бадиий шаклдан фойдаланган ҳолда ўзбек юртини оҳори тўкилмаган образлар ёрдамида улуғловчи шеърини яратди. Натижада унинг:*

***Бир ўлкаки, тупроғида***
***олтин гуллайди,***
***Бир ўлкаки, қишларида***
***шивирлар баҳор.***
***Бир ўлкаки, сал кўрмаса,***
***қуёш соғинар...***
***Бир ўлкаки, ғайратидан***
***асаби чақнар.***
***Бахт тошини чақиб бунда***
***куч гувуллайди***

*сатрлари билан бошланувчи гўзал шеъри майдонга келди.*

*Абдулла Қаҳҳор ҳаёт ва адабиётдаги гўзаллик тўғрисида сўзлаб, «Қоронғи кечада отилган мушак ҳам гўзал, қуёшга қараб хандон ташлаб турган гул ҳам гўзал» деган ва гулнинг гўзаллигини «тўқ гўзаллик», деб атаган, «чунки унинг бағрида ҳаёт бор», деган эди. Ойбекнинг ушбу шеъридаги ҳар бир сатрда ҳам ана шу «тўқ гўзаллик»ни кўрамиз; негаки, Ўзбекистондек ўлканинг тупроғида олтиннинг гуллаши, қишларида баҳорнинг шивирлаши, уни сал кўрмаганда қуёшнинг соғиниши тўғрисидаги ойбекона нафис ифодалар бағрида ҳаёт ва ҳақиқат бор. Ойбек ана шу ҳаёт ҳақиқатини ифодалашда устоз шоирларнинг адабий анъаналари ва бадиий тажрибаларидан ўринли фойдаланди.*

*Ойбек илҳомининг бу ажиб гули ҳозир ҳам ўзининг ҳаётбахш тароватини таратиб турибди.*

**Наим КАРИМОВ,**
**филология фанлари доктори**

---

**Sport maydonchasi**

### ЗЎРЛАР ЎЗИМИЗДАН ЧИҚДИ

Пойтахтимизнинг «Динамо» спорт саройида самбо бўйича халқаро мусобақа бўлиб ўтди. Гарчи мусобақада республикамизнинг кучли спортчиларидан ташқари бир қанча чет эллик полвонлар қатнашган бўлсада, кураш асосан Тошкент ва Самарқанд шаҳри вакиллари орасида кечди. Охир оқибатда ҳам 1-ўрин тошкентлик, 2-ўрин самарқандлик самбочиларга насиб этди.

### ЖОН ЧЕКМАСАНГ...

Канадада ниҳоясига етган хоккей бўйича ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионати муросасиз курашларга бой бўлди. Айниқса, финал баҳсининг қўшимча вақтидагина майдон эгаларини 3:2 ҳисобида мағлуб этиб, зафар нашидасини суришлари учун россияликлар анча-мунча тер тўкишларига тўғри келди.

### ОСИЁ ЮЛДУЗИ

Осиё қитъасининг 1998 йилги энг яхши футболчиси дея Япония терма жамоаси ва Италиянинг «Перуджа» жамоаси ҳужумчиси Хидетоши Наката топилди. Бу ёш (21 ёш) футболчининг маҳоратига баҳо беришаётган мутахассислар келажакда уни фақат қитъадагина эмас, балки жаҳон футболи юлдузлари сафида кўришларига ишонч билдиришди.

### ХАБАР БЕРИШЛАРИЧА...

Футбол бўйича Осиё кубок эгалари баҳсининг «Пахтакор» (Ўзбекистон) ва «Ал-Идтиҳод» (Саудия Арабистони) жамоалари беллашуви мухлислар томонидан интизорлик билан кутиляпти. Аммо турли сабабларга кўра ОФК мусобақа вақтини янада орқароққа суриб, 12-21 февраль кунларига белгилади.

### АНТИҚА МАСХАРАБОЗ

Испания футболида голдан кейинги хурсандчилик ҳолатлари учун ҳам махсус мукофот жорий қилинибди. Ажойиб голлари билангина эмас, шу дақиқалардаги ҳаяжонини ажойиб тарзда нишонлаб, мухлисларни хушнуд этган «Овьедо» ўйинчиси парагвайлик Дели Валдес «Энг антиқа масхарабозлик» мукофотининг дастлабки совриндори бўлди.

---

**Ta`limdagi ayollar**

## САВОБГА БОТГАН ОПА



Болаларни олқаш одатимиз. Уларнинг тўрт мучаси соғ-саломат дунёга келишини Оллоҳдан тилаймиз. Мабодо гўдак ақли заиф, кўзи ожиз, қулоғи кар ёки туғма ногирон бўлиб яралса-чи?!

Афсуски бундай ҳоллар бор...

Рихсинисо Шомаҳмудованинг фикру зикри шунда. Модомики, фарзанд нуқсонли бўлиб туғилар экан, унинг айби нима?

Дефектология соҳаси бундай БОЛАЛИКни ҳимоя қилади, қўллаб-қувватлайди... 35 йилдирки шу соҳанинг «ичида» юрган Рихсинисо опанинг хаёлини бугун нималар банд этди экан?

Опа ҳамон ташвишда... Нуқсонли бўлиб, туғилган болаларнинг жавдираган кўзлари қаршисида ўзини қандайдир бурчлимиз, юклими сезгандек бўлаверади. Қўлидан келгани - уларнинг таълимини уюштиришга ҳисса қўшиш бўлди. У ўқув режалари, дастур ва дарсликлар яратишга бош қўшди. «Истиқболли дефектология» дастури, жисмоний ва ақлий ривожланишида нуқсони бўлган болаларни махсус ўқитиш ва тарбиялаш дастури, 20 дан зиёд илмий-методик ишлар – Рихсинисо опанинг изланишлари, уринишлари маҳсули...

Куррайи замин чексиз. Давлатлар, урф-одатлар ва одамлар ҳам кўп. Рихсинисо опа жаҳонгашта. У ЮНЕСКОнинг Австрияда чақирилган халқаро семинари иштирокчиси. «Мерси Прожект» деб номланган Ўзбекистон-Англия фонди ташаббуси билан Буюк Британияга сафар... Ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш, ўзимизнинг махсус таълим тизимида жорий қилиш...

Хуллас, Рихсинисо Шомаҳмудова ўз юрагига эзгу туйғуларни «кўмиб» яшаётган аёл. Гапираверсангиз, опанинг феъл-атворидаги ижобий хислатларни санаб адо қилолмайсиз. Бир аёл бўлса шунчалик бўлар-да!

Буларни иншо этмоқ нега лозим бўлиб қолди? Эртага опанинг туғилган куни. Мақтов ва сийловларимиз шу учун!

Зеро, минглаб қалби ўксиклар дардига малҳам бўлиб юрган аёлга бир оғиз ширин калом айтмоқ ҳам савобдир.

Соғ-омон бўлинг, Рихсинисо опа!

**Ҳ.ТЎЙМАНОВА**

---


## ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

## ЭЛ - ЮРТ ОСОЙИШТАЛИГИ ҲИМОЯСИДА

Ҳурматли муштарийлар, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва ИИВнинг Бирлашган таҳририяти ички ишлар идоралари ходимларининг хизмат фаолиятларини тулақонли ёритиш, ютуқларни тарғиб қилиш, уларнинг обру-эътиборини ошириш ва халқ билан алоқасини мустаҳкамлаш, ходимларнинг маънавий дунёсини, уларнинг хизмат бурчига содиқлигини, олий мақсадлар йўлида фидойилик кўрсатишга тайёрлигини матбуот саҳифаларида ёритиб бориш мақсадида энг яхши ҳикоя, шеър, очерк, сурат жанрлари бўйича «Эл-юрт осойишталиги ҳимоясида» танловини эълон қилади.

*Танловга жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш, фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида жасорат, мардлик, фидойилик ва садоқат намуналарини кўрсатаётган ички ишлар идоралари ходимлари ҳақида ҳикоя қилувчи бадиий асарлар тақдим этилиши кўзда тутилган.*

*Танловда ҳикоя, шеър, очерк, сурат жанрлари бўйича ғолиб деб топилганлар учун мукофотлар ҳар бир жанр бўйича алоҳида танлов ўтказилаётган пайтдаги Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам миқдордаги ойлик маошининг қуйидагича миқдорида белгиланади:*

Биринчи мукофот – 20 (йигирма) баравари миқдорида
Иккинчи мукофот – 15 (ўн беш) баравари миқдорида
Учинчи мукофот – 10 (ўн) баравари миқдорида

*Танловга юборилаётган асарлар ёзув машинкасида уч интервалда кўчирилган бўлиши шарт. Қўлёзмалар қабул қилинмайди. Танлов йил охирида якунланади.*

*Танловга юборилаётган асарлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Бирлашган таҳририятининг «Постда», «На посту» газеталари, «Qalqon», «Шит» журналларида «Эл-юрт осойишталиги ҳимоясида» рукни остида бериб борилади.*

**Манзилимиз: 700029. Тошкент шаҳар, Юнус Ражабий кўчаси, 1-уй, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар Вазирлиги Бирлашган таҳририяти. Тел: 139-70-40, 139-77-23.**

---

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги**

**Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти докторантурага (13.00.02) - физика, математика, информатика, меҳнат, тарих каби фанларни ўқитиш назарияси ва методикаси бўйича**

## ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда докторантурада ўқиш учун 40 ёшгача бўлган фан номзоди қабул қилинади.

**Докторантурага кирувчи шахслар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:**

**1. Директор номига ариза.**

**2. Ходимларни ҳисобга олиш варақаси (расм билан) ва таржимаи ҳол.**

**3. Докторлик диссертациясининг кенгайтирилган режаси ва тадқиқот мавзуи бўйича илмий маъруза.**

**4. Матбуотда эълон қилинган илмий ишлар, ихтиролар ва илмий-тадқиқот ишлари бўйича ҳисоботлар рўйхати (форма бўйича).**

**5. Иш жойидан тавсиянома.**
**Ҳужжатлар эълон чиққанидан сўнг 15 кун давомида қабул қилинади.**

**Манзилимиз: 700003, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 174-уй. ЎзПФИТИ, телефон: 45-56-59.**

---

Тошкент шаҳридаги
**«Ariana qo'shuv»**
хусусий фирмаси
**ТУГАТИЛАДИ.**
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида қабул қилинади.

---

***Металл эшиклар, панжаралар, тўсиқлар, гараж, дарвоза, сейфлар ва бошқа металл конструкцияларини тайёрлаймиз ва ўрнатамиз.***

**Юқори сифат кафолатланади.**

***Тўлов шакли – турлича.***

**Металлопрокат ва қуруқ ёғоч сотиб оламиз.**

**Манзил: Усмон Носир кўчаси, 75^-уй.**
**Телефонлар: 53-08-88; 53-69-09; 191-03-27; 191-30-95; 78-38-22.**


---

**Xullas...**

### ПОЧТА МИНИАТЮРАЛАРИДАН... ПАРИЖГА

Екатеринбургдаги мактаблардан бирининг ўқувчиси Сония Кондрашкинага қойил қолмай иложингиз йўқ! 12 яшар бу қиз Россиянинг 1999 йилги почта маркасига сюжет ўйлаб топиш ва уни чизишда ғолиб чиқди!

«Россия XXI асрда» деб номланган ёш рассомлар танловига ўз миниатюрасини юборган Сония биринчи ўринни оламан деб ўйламаган ҳам эди-да... Ота-онасининг архитекторлиги афтидан, қизларига ҳам «юққан». Аммо барибир бундай бахт камдан-кам болаларга насиб қилади.

Сония қандай соврин олди, дерсиз. Париж «Диснейленд»ига саёҳат. Ҳадемай қизчага ота-онаси «Сафаринг бехатар бўлсин!» деб қолишади.

### ЎЗГАРУВЧАН ХАРАКТЕР

Янги йил арафасида телеграфга кирган жувон махсус варақани олиб, нималарнидир ёзди. Ёқмади шекилли, иккинчи варақани олиб ўйланиб, турди-турди-да, жумлага нуқта қўйиб, қоғозни нари сурди. Учинчи варақа ҳам «қуруқ» қолмади.

Қизиғи шундаки, у ёзган телеграммаларнинг биттасини эмас, учаласини ҳам кўрсатилган манзилга жўнатишини сўраб, телеграфчига мурожаат қилди. Биринчисидаги ёзув: «Ҳаммаси тамом, сизни бошқа кўришни хоҳламайман»! Иккинчисидаги жумла: «Мени кўришга ва менга хат ёзишга асло ҳаракат қилма!» Сўнггисидаги хитоб: «Поезд билан тезда етиб кел! Янги йилни бирга кутамиз!»

Аёл характерининг ўзгарувчанлигини қаранг!

### ЧИДАЙ ОЛИШМАДИ

Беш нафар даниялик - уч эркак ва икки аёл Карребайкманд портидаги улкан қозиқларда 135 соат ўтиришиб, рекорд ўрнатишди. Ғолиблар 20 минг крон мукофот олишди. Улар уйқу, чарчоқ ва об-ҳаво инжиқликларини ҳам енгишиб, Гиннеснинг рекордлар китобига киришди.

Айтганча, иштирокчиларнинг 12 нафари шартларни бажаришга сабр-тоқатлари етмай, ухлаб қолиб, сувга йиқилиб тушишди. Айримлари эса ўз хоҳишларига кўра ўйиндан чиқишди.

**ana shunaqa gaplar...**

---


Сергели туманидаги 28-ўрта мактаб томонидан Усмонова Написа Абдусаттаровна номига берилган 395003 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**


Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Республика Таълим маркази «Информатика ва ахборот банки» бўлими бошлиғи муовини М. Маҳкамовга отаси
РИХСИВОЙ ота
вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

---


Ma'rifat

*ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:*
*Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.*

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

*Таҳрир ҳайъати*: Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (масъул котиб), Шукур ЖОНБОЕВ, Гулчеҳра ПАРПИЕВА, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб— 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-55-58.

Газетани IBM компьютерида Абдирасул НАРМАНОВ саҳифалади.
Навбатчилар: Нурлан УСМОНОВ, Норали ОЧИЛОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-029. Тиражи 53.629. Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. «Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти -20.00.
Топширилди-20.00.